БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 179 (7626)
2 АВГУСТ ЧОРШАНБА 1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Республикамиз меҳнаткашлари Совет давлатининг сталинча ташқи сиёсатини қизғин ма'қуллаб, тинчликнинг улуғ байроқдори доҳимиз, устозимиз ўртоқ Сталин атрофига янада маҳкамроқ жиплашмоқдалар.

Иқтисодий билимларни қунт блан эгаллайлик

Бутун дунёё меҳнаткашларининг суянган тоғи, умид ва орзулар тимсоли, тинчликнинг улуғ байроқдори бўлмиш социалистик Ватанимиз коммунизмнинг нурли чўққилари сари комил ишонч блан олға бормоқда.

Сталин замонасининг олижаноб кишилари давримизнинг улуғвор вазифаларини большевикларга хос қат'иятлик, изчиллик, сабр-матонат ва қаҳрамонлик блан бажармоқдалар. Халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришнинг урушдан кейинги сталинча бешйиллик плани катта муваффақият блан бажарилмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти урушдан аввалги даражадан анча ўзиб кетди. Социалистик саноатимиз ва коллективлашган қишлоқ хўжалигимиз ўзининг ажойиб фазилатларини бутун дун'ёга намойиш қилмоқда. Мутасил мўл ҳосил етиштирилмоқда. Табиатни ўзгартиришнинг сталинча плани зўр муваффақият блан амалга оширилмоқда.

Бу улуғвор вазифаларни бажаришда шонли большевиклар партияси, улуғ доҳи ўртоқ Сталин тарбиялаб етиштирган кадрлар ҳал қилувчи роль ўйнамоқдалар. Ўртоқ Сталин ВКП(б)нинг XVII с'ездида қилган ҳисобот докладида бундай деган эди:

«Партия сиёсий йўлининг тўғрилиги бирқанча йиллар тажрибаси блан тасдиқланган экан, ишчи ва деҳқонларнинг бу йўлни қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларига шак-шубҳа қолмаган экан, обьектив шароитлар деб аталадиган нарсанинг роли жуда ҳам пасайиб қолди, ташкилотларимизнинг ва улардаги раҳбарларнинг роли эса ҳал қилувчи ва алоҳида аҳамиятга эга бўлган бир кучга айланди. Бунинг ма'носи нима? Бунинг ма'носи шуки, ўпирилишлар ва камчиликлар учун жавобгарликнинг ўндан тўққиз қисми бундан кейин «обьектив» шароитлар устига эмас, балки ўз гарданимизга ва фақат ўз гарданимизгагина тушади».

Жавобгарликнинг ўндан тўққиз қисмини ўз зиммаларига олган кадрларимиз пухта билимли, юксак маданиятли, ишнинг яхши ва ёмон томонларини аниқ чамалай оладиган, ҳарқандай қийин масалани ҳам тўғри ҳал қилаоладиган, ишда муваффақиятни та'минлайоладиган бўлишлари керак. Шунинг учун ҳам большевиклар партияси, шахсан ўртоқ Сталин кадрларимиз тўғрисида, уларнинг Маркс, Энгельс, Ленин, Сталиннинг улуғ ва енгилмас ғоялари блан қуролланишла'ри тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

Коммунизм қуриш иши кадрларимиз олдига жуда юксак талабларни қўймоқда. Халқимизнинг онги ошди, у ҳар жиҳатдан ўсди. Оммага раҳбарлик қилишга да'ват этилган кадрларимиз халқ блан бирга, шаҳдам қадамлар блан илгарилаб бораётган ҳаёт блан баравар ўсишлари, ўз билим савияларини тинмай оширишлари, малакаларини ошириш устидан қунт блан ишлашлари, сталинча раҳбарлик услубини тинмай эгаллашлари лозим.

Оммага бошчилик қилиш учун тинмай ўрганиш керак. Раҳбарлик қилинаётган коллективнинг икр-чикирларини билмай, жамият тараққиёти қонунларини пухта ўрганмай туриб оммага раҳбарлик қилиб бўлмайди. Большевикларнинг олижаноб хусусияти шундаки, улар оммага ўргатибгина қолмай, балки, оммадан ҳам ўрганадилар.

«Завод, фабрика, шахта техникасини, экономикасини, молия ишларини билиб олмасангиз, истаганингизча резолюциялар ёзиб, хоҳлаганингизча қасам ичсангиз ҳам, — фойда чиқмайди, якка бошчилик бўлмайди» (Сталин). Ўз устида қунт блан ишлаган, малакасини тинмай оширган кадргина ўзи раҳбарлик қилаётган коллективнинг муваффақиятли ишлашига эриша олади.

Социалистик қурилиш йилларида большевиклар партияси халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаш учун юқори малакали кадрлар тарбиялаб етказди. Ленин — Сталин партияси вояга етказган кадрлар ҳарқандай мураккаб вазифаларни ҳам ҳал қилишга қодирдирлар. Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва халқ фаровонлигини ошириш соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқлар — фойда чиқмайди, якка бошчилик бўлмайди» (Сталин). Ўз устида қунт блан ишлаган, малакасини тинмай оширган кадргина ўзи раҳбарлик қилаётган коллективнинг муваффақиятли ишлашига эриша олади.

Социалистик қурилиш йилларида большевиклар партияси халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаш учун юқори малакали кадрлар тарбиялаб етказди. Ленин — Сталин партияси вояга етказган кадрлар ҳарқандай мураккаб вазифаларни ҳам ҳал қилишга қодирдирлар. Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва халқ фаровонлигини ошириш соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқлар — фойда чиқмайди, якка бошчилик бўлмайди» (Сталин). Ўз устида қунт блан ишлаган, малакасини тинмай оширган кадргина ўзи раҳбарлик қилаётган коллективнинг муваффақиятли ишлашига эриша олади.

Социалистик қурилиш йилларида большевиклар партияси халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаш учун юқори малакали кадрлар тарбиялаб етказди. Ленин — Сталин партияси вояга етказган кадрлар ҳарқандай мураккаб вазифаларни ҳам ҳал қилишга қодирдирлар. Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва халқ фаровонлигини ошириш соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқлар — фойда чиқмайди, якка бошчилик бўлмайди» (Сталин). Ўз устида қунт блан ишлаган, малакасини тинмай оширган кадргина ўзи раҳбарлик қилаётган коллективнинг муваффақиятли ишлашига эриша олади.

Социалистик қурилиш йилларида большевиклар партияси халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаш учун юқори малакали кадрлар тарбиялаб етказди. Ленин — Сталин партияси вояга етказган кадрлар ҳарқандай мураккаб вазифаларни ҳам ҳал қилишга қодирдирлар. Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва халқ фаровонлигини ошириш соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқлар — фойда чиқмайди, якка бошчилик бўлмайди» (Сталин). Ўз устида қунт блан ишлаган, малакасини тинмай оширган кадргина ўзи раҳбарлик қилаётган коллективнинг муваффақиятли ишлашига эриша олади.

Социалистик қурилиш йилларида большевиклар партияси халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаш учун юқори малакали кадрлар тарбиялаб етказди. Ленин — Сталин партияси вояга етказган кадрлар ҳарқандай мураккаб вазифаларни ҳам ҳал қилишга қодирдирлар. Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва халқ фаровонлигини ошириш соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқлар — фойда чиқмайди, якка бошчилик бўлмайди» (Сталин). Ўз устида қунт блан ишлаган, малакасини тинмай оширган кадргина ўзи раҳбарлик қилаётган коллективнинг муваффақиятли ишлашига эриша олади.

Социалистик қурилиш йилларида большевиклар партияси халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаш учун юқори малакали кадрлар тарбиялаб етказди. Ленин — Сталин партияси вояга етказган кадрлар ҳарқандай мураккаб вазифаларни ҳам ҳал қилишга қодирдирлар. Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва халқ фаровонлигини ошириш соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқлар олампшумул ғалабалар бунинг яққол далилидир.

Тараққийпарвар инсониятнинг улуғ доҳиси ўртоқ Сталин эришилган ғалабалар блан хотиржам бўлиб қолмай, балки илгарига қараб дадил бориш керак деб та'лим беради. Ишлабчиқариш, фан, техника, маданият соҳасида янгиянги ғалабаларни қўлга киритиш лозим.

Партиявий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилган, партия, совет ва хўжалик кадрлари техника ва экономика масалаларини яхши биладиган, кадрлар ўз малакаларини тинмай ошираётган коллективларда иш муваффақиятли бораётганини ҳамма кўриб турипти. Ўзбекистон металлургия заводи, «Чирчиқсельмаш», «Строммашина», Қўқон электромеханика заводлари, Тошкент тўқимачилик комбинати ва бошқа бирқанча корхоналарнинг 1950 йил II квартал планини муваффақиятли бажарганликлари ана шундан далолат беради. Раҳбарлар ўз агротехника билимларини тинмай ошираётган, партиявий ишлар яхши йўлга қўйилган колхоз ва совхозларда ҳам ғўза парвариши намунали ўтказилмоқда, ҳосилга-ҳосил қўшилмоқда. Ўзбекистон Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактуби асосида социалистик мусобақа авж олиб, жонажон Ватанга мўл пахта ҳосили етказиб бериш учун кураш кучаймоқда.

Сталин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Чирчиқ электр химия комбинатида инженер-техник ходимларнинг ўқуви яхши уюштирилган. Ҳозир комбинатда 27 инженердан иборат аспирантлар группаси ишлаб турипти. Бу аспирантлар кандидатлик диссертациясини ёқлаш устида ишламоқдалар. Комбинат Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия институти ва молия-экономика институти блан мустаҳкам алоқа боғлаган. Малакали лекторлар иқтисодий темаларда турли лекциялар ўқиб турадилар.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, иқтисодий билимларни пропаганда қилиш кенг йўлга қўйилган жойда корхонанинг рентабель ишлаши, ички хўжалик ҳисоботи, оборот маблағларининг айланишини тезлаштириш, маҳсулот таннархини камайтириш, унинг сифатини яхшилаш, хомаш'ёни тежаб сарфлаш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилади.

Иқтисодий билимларни пропаганда қилиш соҳасида сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Ўзбекистон жамияти, маданий-оқартув муассасаларининг лекция бюролари, шаҳар ва район партия комитетлари лекторлар группасининг зиммаларига жуда мас'улиятли вазифа юкланган. Аммо бу ташкилотлар олиб бораётган иш талабга мутлақо жавоб бермайди.

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Ўзбекистон жамиятининг ўртоқ Бердиняев раҳбарлик қилаётган иқтисодий секцияси ёмон ишламоқда. Сўнгги 6 ой мобайнида республикада иқтисодий темаларда 600 дан ортиқ лекция ўтказилган, холос. Жамият йўли блан 6 ой мобайнида Фарғона областида 10 та, Хоразм областида 5 та, Қорақалпоғистон АССР да атиги битта лекция ўтказилганини нима блан изоҳлаш мумкин? Иқтисодий билимларни пропаганда қилиш ишига бу қадар бепарволик блан қарашга мутлақо йўл қўйилмаслиги лозим.

Партия, совет, комсомол ташкилотлари иқтисодий билимларни пропаганда қилиш, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни марксча-ленинча назария блан қуроллантириш ишига жиддий э'тибор беришлари керак.

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Ўзбекистон жамияти, ҳамда унинг областьлардаги бўлимлари, маданий-оқартув муассасаларининг марказий ва область лекция бюролари ҳамда лекторлар группалари иқтисодий темаларда кўпроқ лекциялар уюштиришлари лозим.

Иқтисодий билимларни кўпроқ пропаганда қилиш ва кадрларнинг билимларини ҳартарафлама ошириш йўли блан корхоналар, колхоз ва совхозларнинг ўз социалистик мажбуриятларини тўла бажаришларига ёрдам берайлик.

Кадрларимизнинг иқтисодий билимларини тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партия, совет ва комсомол ташкилотларининг жонажон ишидир. Кадрларимизни иқтисодий билимлар блан, марксча-ленинча назария блан тинмай қуроллантириш — коммунистик жамият қурилишини тезлатиш йўлидаги энг муҳим ва асосий вазифаларнинг биридир.

Саноат корхоналари ва пахта далаларида фидокорона меҳнат қилиб, Ватанимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлаймиз!

Бинокорларнинг меҳнат вахтаси

НУКУС, (ЎзТАГ). Қорақалпоғистоннинг пойтахти — Нукус шаҳри йилдан-йилга кенгаймоқда. Янги корхоналар, ўқув юртлари, идора бинолари, уй-жойлар қад кўтармоқда.

Касалхона қурилишида машҳур ғишт теручи, шаҳар Советининг депутати Райим Матчонов ишламоқда. У, янги уруш оловини ёқучи америка империалистлари ҳақида нафрат блан гапириб бундай деди:

— Мен 1945 йилда Узоқ Шарқда шавкатли Совет Армияси сафида жанг қилдим. Совет Армияси Қурия халқини японлар зулмидан озод қилди. Эндиликда америка тажовузкорлари қурия халқининг озодлиги ва мустақиллигига қасд қилмоқдалар. Қурия халқининг қаҳрамонларча олиб бораётган курашига бутун тараққийпарвар инсоният хайрихоҳлик изҳор қилмоқда. Мен атом қуролига қарши, Қуриядаги интервенцияга қарши бўлган миллион-миллион оддий кишиларнинг овозига қўшилиб, Стокгольм Мурожаатига қўл қўйдим. Мен янада яхшироқ ишлаш ва шу блан тинчликни мустаҳкамлаш учун куч-қувватимни аямайман.

Стахановчининг сўзи блан йши бир. У ҳар куни топшириқни 150 процентга етказиб адо этмоқда.

Қорақалпоғистон пойтахтидаги бинокорларнинг фикри-зикрини ўртоқ Т. Нуржонов тўла ифода қилиб берди.

— Биз, бинокорлар, — деди у, —ўз касбимиз блан фахрланамиз. Биз қурган бинолар шаҳар ва қишлоқларни безайди, коммунизм қуришга бор кучларини сарфлаётган совет кишиларининг турмуши учун қулай шароит яратиб беради. Биз стахановча меҳнат қилиб, бутун дун'ёда тинчлик учун курашнинг байроқдори бўлган Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаймиз.

ТИНЧЛИК ИШИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАМИЗ

Мурожаатга қўл қўйиш куни колхозининг марказий дала шийпони кўркам қилиб безатилган эди. Шийпонга илиб қўйилган «Тинчлик урушни енгади», «Фидокорона меҳнатимиз блан тинчлик ишига муносиб ҳисса қўшайлик!», «Яшасин бутун дун'ёда барқарор тинчликнинг байроқдори бўлган Совет Иттифоқи!» деган шиорлар кўзга ташланиб турарди.

— Бугун биз,—деди митингни очган колхоз раиси ўртоқ Бозорбой Отақулов,—Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Мурожаатига имзо тўплашга бағишланган митингга тўпландик. Бу Мурожаат ва СССР Олий Советининг Баёноти тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжатлардир. Стокгольм Мурожаати янги уруш оловини ёқучиларнинг танобини тортиб қўяди, уларнинг қора ниятларига зарба беради. Шунинг учун ҳам ҳаммамиз Стокгольм Мурожаатига бирдамлик блан қўл қўяйлик.

Олтиариқ районидаги «Қизил қўшин» колхозида бўлиб ўтган бу митингда колхозчи Ҳуртожи Нортожиева, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамадали Нортожиев, колхозчилардан Жўрабой Тўраев, Алижон Тўланов ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзладилар. Митинг охирида ҳамма колхозчилар Стокгольм Мурожаатига якдиллик блан қўл қўйдилар.

«Қизил қўшин» колхозининг а'золари янги уруш оловини ёқучиларга қақшатгич зарба бериш учун, 312 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштиришга сўз бердилар.



«ТИНЧЛИК ҚИЗИЛ КАРВОНИ». Тошкент область, Паркент районидаги колхозлар ана шу шиор остида ғалла қизил карвони уюштириб, давлатга бирнеча минг центнер ғалла топширдилар. **Суратда:** «Тинчлик қизил карвони» район марказидан ўтмоқда.

А. Ашкинезер фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Тинчлик карвонлари

ҚАРШИ, (ЎзТАГ). Қашқадар'ё областининг ғаллакорлари Стокгольм Мурожаатига баланд руҳ блан қўл қўйиб давлатга тобора кўп ғалла топширмоқдалар. Деҳқонобод районида 30 июль куни тинчлик карвони уюштирилди. Тинчлик карвонига районидаги ҳамма колхозлар қатнашдилар. «Иттифоқ» колхозининг карвонида 440 пуд бугдой ортилган 14 арава бор эди. «Қизил байроқ» колхозининг а'золари шу куни уч марта дон топширдилар. «Биринчи бешйиллик», «УзКУ» колхозлари, Дзержинский номли, «1-нчи Май» колхозлари икки минг пуддан ортиқ ғалла келтирдилар.

Бешкент районида тинчлик карвони куни муваффақиятли ўтказилди. Областьдаги бошқа кўпгина колхозларда ҳам тинчлик карвони кунлари муваффақиятли ўтмоқда.

ХАЗОРАСП ВА КИРОВ РАЙОНЛАРИ ҒАЛЛА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР

Хоразм область, Хазорасп районининг колхозлари ва колхозчилари 29 июльда ғалла топшириш давлат мажбуриятини 110,1 процент бажардилар.

☆

Фарғона область, Киров районининг колхозлари ва колхозчилари 30 июльда давлат ғалла мажбуриятини 102,5 процент бажардилар.

Илғор комбайнчилар

ҒУЗОР, (**«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан**). Ғузор МТСининг комбайнчиси ўртоқ Нурматов минггектарчилар ҳаракатига қўшилиб, унумли ишламоқда. У, мавсум бошидан бери Куйбишев қишлоқ советидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг 450 гектар ердаги ғалласини ўриб берди. Ўртоқ Нурматов шу кунларда 10 гектар ўриш нормасини 18 гектарга етказиб ва ундан ошириб бажараётир.

Унинг мусобақадоши ўртоқ Назаров ҳам кейинги беш кун ичида нормадаги 50 гектар ўрнига 93 гектар ернинг ғалласини ўрди. Ўртоқ Назаров шу кунларда Наримонов номли колхозда ўриш нормасини бир ярим-икки баравар ошириб адо этмоқда.

Ғалла топшириш илғорлари

ТОШКЕНТ областидаги «Маликм» совхози 27 июльда давлатга ғалла топшириш планини тўла бажарди.

☆

ҒАЛЛАОРОЛ. «Тоза уруғ» совхозининг коллективи тинчлик тарафдорлари Стокгольм Мурожаатига жавобан ўз устларига олган мажбуриятларини бажариш, ғалла ҳосилини нобуд қилмай, йиғиштириб олиш учун зўр ғайрат блан ишламоқда. Совхоз давлатга ғалла топшириш планини бажарди. «Заготсортзерно» тайёрлаш пунктига бирнеча минг пуд а'ло нав'ли уруғлик ғалла топширилди.

☆

ЖОМБОЙ. Ватанимиз қудратини ошириш учун далаларда фидокорона меҳнат қилаётган илғор колхозларнинг а'золари давлатга ғалла топшириш мажбуриятларини муддатидан олдин бажармоқдалар. Оққўрғон қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхоз (раиси ўртоқ Сотиболдиев) ғалла топшириш планини оширди бажарди. Шу қишлоқ советидаги Сталин номли, Молотов номли, Ҳалвойи қишлоқ советидаги Жданов номли ва Охунбобоев номли колхозлар ҳам давлатга ғалла топшириш планини ошириб бажардилар.

☆

ПАХТАКОР районидаги «Қизил нишон» колхозининг а'золари давлатга 248 центнер ғалла топширишмажбуриятларини бажардилар. Шунингдек «Янги қувват», «Намуна», «Инқилоб», Молотов номли ва Киров номли колхозлар ҳам ғалла мажбуриятларини тўла адо этдилар.

Венгрия деҳқонлар делегациясининг Ўзбекистонда бўлишига доир

30 июльда Ўзбекистон ССР Пахтачилик министри ўртоқ О. Алимов Венгрия деҳқонлари делегациясининг а'золаридан бир гуруҳини қабул қилди. Қабул вақтида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри ўртоқ А. Н. Мухторов, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министри ўртоқ Ф. Ш. Шамсиддинов, министрларнинг ўринбосарлари ҳозир бўлдилар.

Қабул самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Ўртоқ Алимов меҳмонларни Ўзбекистоннинг ўтмиши блан таништирди, совет ҳокимияти йилларида Ўзбек халқи босиб ўтган йўл ҳақида, илгари қолоқ бўлган Ўзбекистон ҳозир саноатлашган ва қишлоқ хўжалиги машиналаштирилган илғор социалистик республикага айланганлиги тўғрисида сўзлаб берди. Йилдан-йил яхши ишлаётган, катта майдонларда пахтадан юқори ҳосил олаётган Ўзбекистон пахтакорларининг меҳнати ҳақида министр айтган сўзлар меҳмонларни ғоят қизиқтирди. Ўртоқ Алимов пахтачиликни, шунингдек республика қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳамма тармоқларини янада ривожлантириш буюк сталинча программасининг амалга оширилаётганлиги ҳақида ахборот берди.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министри ўртоқ Шамсиддинов ирригация ва мелиорация соҳасидаги катта ишлар ҳақида меҳмонларга сўзлаб берди.

Министрлар делегация а'золарининг саволларига батафсил жавоб бердилар.

Делегация а'золари номидан гапирган Диоген Эмерик жаноблари СССРда бўлиш ва коммунизм жамияти қураётган совет кишиларининг ҳаёти блан танишиш имкониятини берганликлари учун Совет ҳукуматига, ўртоқ И. В. Сталинга самимий ташаккур изҳор қилди. Диоген Эмерик жаноблари Ўзбекистонда кўрган ҳамма нарсадан ғоят мамнун бўлганлигини айтиб, Ўзбекистон ССР меҳнаткашларининг бой тажрибаси Венгрия меҳнаткашларига янги ҳаёт қуришда катта ёрдам беражагини уқдириб ўтди. Венгрия деҳқонлари ҳамманинг гулдурос қарсаклари остида совет ва венгер халқларининг дўстлиги шарафига, бутун дун'ё меҳнаткашларининг улуғ йўлбошчиси ўртоқ И. В. Сталин шарафига табрик сўзлари айтдилар.

☆

Ўзбекистонда бўлган Венгрия деҳқонлари делегациясининг а'золари 31 июльда Тожикистон ССРга жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).

В. И. Ленин Асарларининг йигирма саккизинчи томи

В. И. Ленин Асарлари тўртинчи нашрининг йигирма саккизинчи томи босилиб чиқди. Бу томни ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Маркс — Энгельс — Ленин институти босмага тайёрлаган. В. И. Ленин асарларининг йигирма саккизинчи томига бу томга ёзилган кириш сўзида айтилганидек, гражданлар урушининг дастлабки даврида ва ҳарбий интервенция даврида, 1918 йил 29 июльдан то 1919 йил март ойигача ёзилган асарлар киради.

Бу томда Ленининг «Пролетар революцияси ва хоин Каутский» деган китоби босилган. Бу асарда Ленин совет давлати ҳақидаги та'лимотини ривожлантириди, синфий жамиятда совет демократиясининг олий типдаги демократия эканлигини таҳлил қилади, совет демократиясининг буржуа демократиясига бутунлай қарама-қарши эканлигини очиб ташлайди ва Каутский ҳамда II Интернационалнинг бошқа раҳбарларининг оппортунизмини ва уларнинг империалистларга малайлик қилганини фош қилади. Ленин бу томда э'лон қилинган: «Демократия» ва диктатура тўғрисида», «Америка ишчиларига мактуб», «Америка ва Европа ишчиларига мактуб», «Курашиб қўлга киритилган ва ёзилган» деган асарларида, шунингдек III Коммунистик Интернационални тузишга асос бўлган бошқа тезис ва докладларида совет демократиясига характеристика беради ва буржуазия демократиясини танқид қилади.

Томнинг кўпчилик қисмини Ленинкинг ишчи йиғилишларида, Советларнинг, касаба союзларининг с'ездларида, Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг мажлисларида, РКП(б) Москва шаҳар конференциясида ва бошқа ташкилотларда қилган докладлари ва нутқлари ташкил этади.

Партияниг раҳбари ва совет давлатининг етакчиси сифатида Ленинкинг фаолиятини кўрсатучи бу докладларда социалистик Ватаннинг мудофаасини ташкил этиш, Қизил Армияга ҳартомонлама ёрдам бериш, фронт орқасини мустаҳкамлаш масалалари марказий ўринни эгаллайди.

Бирнеча асарлар қишлоқда социалистик революцияни ривожлантириш ва ўрта деҳқонга муносабат масалаларига бағишланган. Бу асарларга: «Елец ишчиларига мактуб», «Ўртоқ ишчилар! сўнгги, ҳал қилувчи жангга борамиз», деган мурожаат, 1918 йил 6 ноябрьда Октябрь революциясининг бир йиллиги муносабати блан Бутунроссия советларининг фақулодда VI с'ездида сўзлаган нутқи, 1918 йил 8 ноябрьда Москва область камбағаллар комитети делегатлари ҳузурида сўзлаган нутқ ва 1918 йил 11 декабрьда биринчи Бутунроссия ер бўлимлари, камбағаллар комитети ва коммуна делегатлари ҳузурида сўзлаган нутқлар киради.

Ленин «Питирим Сорокиннинг муҳим э'тирофлари» деган машҳур мақоласида ўрта деҳқон блан иттифоқ бўлиш, келишиш шиорини олдинга суради. Бу шиор кейинчалик партиянинг VIII с'ездида ма'қулланган эди.

Октябрь революциясининг бир йиллиги муносабати блан 1918 йил 6 ноябрьда Бутунроссия Советларининг фавқулодда VI с'ездида сўзланган нутқда, 1918 йил 27 ноябрьда Москва партия ходимларининг йиғилишида пролетариатнинг майда буржуа демократиясига муносабати ҳақида қилинган докладда ва бошқа асарларда майда буржуазиянинг Советлар ҳокимияти томонига юз ўгирганлиги муносабати блан Ленин революцион пролетариатнинг майда буржуазия демократиясига муносабатини белгилаб берди ва зиёлиларни, эски мутахассисларни социалистик қурилиш ишларига жалб этиш йўлларини кўрсатиб берди.

Томда биринчи марта тўлиқ э'лон қилинган «Америка ишчиларига мактуб», 1918 йил 8 ноябрьда Советларнинг VI с'ездида халқаро аҳвол тўғрисида сўзланган нутқ, 1918 йил 9 декабрьда ишчи кооперациясининг III с'ездида сўзланган нутқ, 1918 йил 14 декабрьда Пресня район ишчи конференциясида сўзланган нутқда ва бошқа ҳужжатларда Ленин дун'ёда ҳукмронлик қилиш учун кучсиз халқларни бўғиб ташлаш ва европа маданиятини вайрон қилишдан ҳам қайтмайдиган англия-америка империализмини фош қилади.

Йигирма саккизинчи томга В. И. Ленин Асарларида биринчи марта э'лон қилинаётган 19 та асар киради. Буларнинг кўпчилигини совет ҳукумати қарорларининг лойиҳаси, шунингдек томга киритилган асарлар блан мазмунан маҳкам боғлиқ бўлган хатлар ва телеграммалар ташкил этади.

Давлат контролини қайта ташкил қилиш масаласида И. В. Сталига ёзилган хат ва И. В. Сталиннинг В. И. Ленинга жавоби, Глазго шаҳрига И. В. Сталин ва Ф. Э. Дзержинский номига юборилган телеграмма, Самарадаги украинларга ва Уфа губревкомига ёзилган ва В. И. Ленин ҳамда И. В. Сталин бирга қўл қўйган телеграммалар, шунингдек Серпухов главкомига И. В. Сталин томонидан ёзилган ва Ленин қўл қўйган телеграмма — булар ҳаммаси мамлакат мудофаасига ва совет давлати қурилишига раҳбарлик қилишда В. И. Ленин ва И. В. Сталининг улуғ дўстликларини кўрсатади. «Қозонни олиш муносабати блан Қизил Армияга табрик», «Қозонни олишга иштирок этган қизил аскарларга мактуб», В. В. Куйбишевга ва Петрограддаги командирлар курсига юборилган телеграммалар социалистик Ватанни мудофаа қилиш масалаларига бағишланган.

«Ишчи ва деҳқонлар иттифоқи тўғрисида барча Совет депутатларига телеграммалар лойиҳаси» ва 1918 йил 8 декабрьда Москва губерния Советларининг с'ездида, камбағаллар комитетларида ва ВКП(б) район комитетларида сўзланган нутқларда Ленин ишчилар синфининг деҳқонлар блан иттифоқини мустаҳкамлаш тўғрисида кўрсатмалар берди.

«РСФСР олий ўқув юртларига қабул тўғрисида. СССР Халқ Комиссарлари Совети қарорининг лойиҳаси», «Давлат контролидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорнинг лойиҳаси», «1919 йил 24 январьда халқ маорифи губерния бўлимларининг мактабдан ташқари бўлимлари мудирларининг II кенгашида сўзлаган нутқи», кутубхона ишлари тўғрисида «Маориф халқ комиссарлигига» хатда В. И. Ленининг совет ва маданий қурилиш соҳасидаги иш фаолияти ифода этилган. Шунингдек, Германияда революция бошланиши муносабати блан «Ҳамма совет депутатларига, ҳаммага, ҳаммага телеграмма», «Касаба союзларнинг вазифалари тўғрисида тезислар лойиҳаси», «Мамлакат мудофаасини барбод этган меньшевик газетасини ёпиш тўғрисида» ВЦИК резолюциясининг лойиҳаси ва «Ташқи ишлар халқ комиссари радио телеграммасининг лойиҳаси» биринчи марта томга киритилган. (ТАСС).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КОММУНИСТЛАР ЕТАКЧИ

Калинин район, Молотов қишлоқ советидаги генерал Раҳимов номли колхоз бу йил гектаридан 45 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олган. Колхоз партия ташкилоти ва коммунистлар ҳам мана шу социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун колхозчиларни фидокорона меҳнат қилишга сафарбар этмоқда.

Колхоз партия ташкилоти ҳисобидаги барча коммунист ва комсомоллар пахтачилик бригадаларига тўғри тақсимланган. Партия ташкилоти барча коммунистлардан пахта далаларида фидокорона меҳнат қилишни, колхозчиларга ибрат кўрсатишни талаб қилди. Шунинг учун ҳам барча коммунист ғўза парваришида қундалик нормасини ошириб бажармоқда ва ғўзани сифатли парвариш қилмоқда. Масалан, коммунистлардан А. Қодиров, Қ. Ма'муров, С. Сидиқов, Н. Матқолиқов ўртоқлар ғўза чопиғида ҳар куни 1 ярим 2 норма бажармоқдалар. Колхоздаги ҳарбир коммунист ҳозиргача камида 300 дан меҳнат куни ишлади.

Колхоз партия ташкилоти барча сиёсий-оммавий иш воситаларидан пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун фойдаланмоқда. Ўртоқ Т. Бобоев бошлиқ агитколлектив коммунистлар ва қишлоқ зиёлиларидан иборат 22 агитаторни уюштирган. Бу агитаторлар ҳарбир бригадага тақсим қилинган.

Колхозчилар ўртасида олиб борилаётган барча оммавий-сиёсий иш дала шийпонларида марказлаштирилди ва дала шийпонлари оммавий-сиёсий ишларнинг марказига айлантирилди. Шийпонлар турли плакатлар, шиорлар, хариталар, диаграммалар билан безатилди ва у ерларга радио карнайлари ўрнатилди.

Колхоз радиоузели орқали ҳам колхозчилар ўртасида катта оммавий-сиёсий иш олиб борилмоқда, илғорларнинг тажрибаларини оммалаштирилмоқда.

Агитколлектив бошлиғи ўртоқ Бобоев ҳар куни ма'лум вақтда, пахта далаларида қилинган бир кунлик ишнинг якунларини, шу куни яхши ишлаганлар ва нормани бажармаган колхозчилар ҳақида сўзлаб беради.

Колхоз бригада ва звеноларида чиқарилаётган «Жанговар варақа»лар илғорларнинг тажрибаларини кенг оммалаштириб, қолоқларни юз-хотир қилмай қаттиқ танқид қилмоқда.

Колхоз агитаторлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни зўр ғайрат ва маҳорат билан бажармоқдалар. 1-нчи бригадада агитатор Акромов, 2-нчи бригадада агитатор Ғафуров ўртоқлар ўз нормасини бажармовчилар билан суҳбат ўтказадилар. Агитаторлар ғўза парваришини кучайтириш тўғрисида Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорларини тушунтириб бердилар. Бригада а'золари ҳозир зўр ғайрат билан ишлаб, ғўза парваришидаги қолоқликни тугатмоқдалар.

9-нчи бригадада агитатор Қ. Акбаров, 3-нчи бригадада агитатор Абдусаторов ўртоқлар «Жанговар варақа»ларни ўз вақтида чиқариб, колхозчилар ўртасида меҳнат интизомининг аҳамияти тўғрисида тез-тез суҳбатлар ўтказиб турадилар.

Партия ташкилоти яқинда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «Июль ойида ғўза парваришини кучайтириш ва ҳосил тўплаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида» чиқарган қарорини муҳокама қилди. Колхоз партия ташкилоти ғўза қатор ораларини яна 3 марта чопиб, қондириб суғориш ва икки марта қўшимча озиқлантириш юзасидан амалий тадбирлар белгилаб чиқди. Коммунистлар бошлиқ бўлган бригада ва звеноларда ғўза парваришини кучайтириш юзасидан қилинадиган ишлар аниқланди.

Партия ташкилоти тажрибакор сувчилар ва пахтакорларни тўплаб Ўзбекистон олимларининг пахтакорларга берган маслаҳатларини тушунтириб берди. Агитаторлар ҳарбир бригадада бу ҳақда айрим суҳбат ўтказдилар. Олимларнинг «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган маслаҳати пахтакорларга катта ёрдам беради. Шундан кейин ғўзани суғоришда агротехника қоидаларини бузиш ҳоллари тугатилди.

Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Мурожаатини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш колхозчиларнинг катта сиёсий активлиги билан ўтди. Колхозчилар Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиб, уруш оловини ёқучи америка-англия империалистларининг босқинчилик сиёсатига жавобан, Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш учун пахтадан мўл ҳосил етиштиришга қарор бердилар.

Агитаторлар дала шийпонларида колхозчилар билан «Дунё халқлари тинчлик учун курашмоқдалар» деган темада суҳбатлар ўтказдилар. Бу суҳбатлар колхозчиларни фидокорона меҳнат қилишга илҳомлантирди, колхозда ғўза парваришининг сур'ати кучайди.

Шу йиғилишда 8-нчи бригаданинг а'зоси комсомол О. Қодиров ҳар гектаридан 60 центнердан, коммунист ўртоқ А. Қодиров бошлиқ звено 60 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан қўшимча мажбурият олдилар.

Колхоздаги қариялар ва оналар ҳам колхознинг шу юксак мажбуриятини бажаришга ўз ҳиссаларини қўшиш учун пахтачилик бригадаларида ишлашга чиқдилар.

Қариялардан Пирим Эрматов, Азамат Ёқубов, Мирзақулов, Насиббуви Эгамбердиева ва бошқалар пахтачилик бригадаларида ишламоқдалар. Улар ўз-ларининг бой тажрибалари билан пахтадан мўл ҳосил олишга ёрдам бермоқдалар. Уларнинг ҳар қайсилари июль ойида 16 тадан меҳнат куни ишладилар. Генерал Раҳимов номли колхознинг ҳамма ердаги ғўзаси бешинчи чопиқдан чиқарилди, олти марта культивация қилинди ва тўрт марта қондириб суғорилди. Ҳозир колхознинг ғўзалари 18 —19 ҳосил шохига эга бўлиб, кўсак тугмоқда.

Колхоз партия ташкилоти Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг республикамиздаги барча колхозчилар, трактористлар, механикларга, пахтакор совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигининг барча ходимларига ёзган Мактубини муҳокама қилди, шундан кейин идора ва бошқа ишларда банд бўлган 30 киши пахта далаларига чиқди.

Колхоз коммунистлари ва комсомоллари ғўзани ҳосил етилгунча тинмай парвариш қилиш учун курашмоқдалар ва бу соҳада оммавий-сиёсий ишларнинг барча усул ва воситаларидан муваффақиятли фойдаланмоқдалар.

Ж. МАҲМУДОВ.



Суратда: Тошкент область, Бекобод районидаги Пушкин номли 2-нчи сон ўрта мактаб биносининг кўриниши.

Р. Қучқор фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Колхоз қишлоқларида янги қурилишлар

САМАРҚАНД. Пойариқ районидаги Оймомғали қишлоқ советининг қишфаси йил сайин ўзгармоқда. Қишлоқ советидаги колхозларда ободончилик ишлари оммавий тус олаётир.

Сталин номли колхозда қурилиб ишга туширилган гидроэлектростанция колхоз идораси, клуб, қироатхона, мактаб, боғча биноларини ва колхозчиларнинг уйларини ёритмоқда. Район марказидаги Самарқанд. Биринчи Май кўчалари ва қўшни «Комсомол» колхози а'золарининг уйлари ҳам шу электр станциядан вур олмоқда.

Бундай электр станция шу қишлоқ советидаги Крупская номли колхозда ҳам қурилди. Колхоз а'золари бу йил янги клуб, чойхона, ёзлик идора, намунали боғча учун бино ва катта молхона қурилишини тамомладилар.

Қишлоқ советидаги «Қаҳрамон» колхозида ҳам катта электр станция қурилмоқда.

НАЗИР.

☆

ТОШКЕНТ. Ўртачирчиқ район, Қорасув қишлоқ советидаги «Социализм» колхозида янги электр станция қурилиб, ишлайбошлади. Колхоз идораси, чойхона, мактаб, дала шийпонлари, 50 дан ортиқ колхозчининг уйи электрлаштирилди ва радиолаштирилди.

Ўртасарой қишлоқ советидаги «Оқолтин» колхозида ҳам шундай электр станция қурилиб ишга туширилди. Шу қишлоқ советидаги Свердлов номли колхозда катта клуб, кутубхона, чойхона, ясли ва колхоз правленеси учун янги идора биноси қурилди.

Р. НОРЖИГИТОВ.

☆

ФАРҒОНА. Тошлоқ район, Заркент қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда бу йил 600 кишилик янги клуб биноси, ҳаммом ва 9 та дала шийпони қурилди. Колхозда 85 хўжалик янги типдаги уйларда яшамоқда. Колхоз ҳозир кучли электр станция қурмоқда.

Шу қишлоқ советидаги «Янгийўл» колхозида чойхона, боғча, ясли, нонвойхона, сартарошхона ва еттийиллик мактаб биноси қуралиб, ишга туширилди.

Бирлик қишлоқ советидаги Каганович номли ва Наримонов номли колхозларда ҳам еттийиллик мактаб биноси қад кўтарди.

М. ШАРИПОВ.

МАҲАЛЛИЙ ГАЗЕТАЛАР САҲИФАЛАРИДАН

Сессия шарафига

Урушдан кейинги сталинча бешйиллик планни муддатидан илгари бажаришга бел боғлаган совет халқи меҳнат фронтида янгидан-янги ғалабаларга эришмоқда. Халқимизнинг ма'навий-сиёсий бирлиги ва меҳнат соҳасидаги активлиги тобора ошмоқда. Республикамизда Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитети Стокгольм сессиясининг атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Мурожаатига имзо тўплаш юзасидан бошланган кампания меҳнаткашларнинг активлигини янада ошириб юборди. Корхона, муассаса, колхоз, совхоз, МТС ва ўқув юртларида шу муносабат билан ўтказилаётган кўп кишилик йиғилиш ва митингларда сўзга чиққан нотиқлар партия ва ҳукуматимизнинг ленинча-сталинча тинчлик сиёсатини қизғин ма'қуллаб, Ватанимиз қудратини янада мустаҳкамлаш учун меҳнат соҳасида янада унумли ишлашга сўз бермоқдалар. Шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Советининг шу йил 19 августда очиладиган бешинчи сессиясини муносиб совғалар билан кутиб олажакларини билдирмоқдалар.

Шу кунларда сессия шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора оммавий тус олмоқда. Меҳнаткашлар бу кунни меҳнат соҳасида янги ғалабалар билан кутиб олиш учун ўз зиммаларига янги оширилган мажбуриятлар олмоқдалар.

Бу тўғрида «Қашқадарё ҳақиқати» газетаси қуйидагиларни ёзади:

«Китоб вино заводининг ишчи ва хизматчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси шарафига стахановча вахтада туриб ишлаб, янги мавсумга тайёргарлик кўрмоқдалар. Заводнинг айрим цехлари июль ойи ишлабчиқариш планини шарафли бажардилар.

Қарши тикув-пойафзал фабрикасининг коллективи мақсулот ишлаб чиқариш ярим йиллик планини муддатидан илгари бажарган эди. Фабриканинг ишчи ва хизматчилари сессия шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, июль ойи планини ҳам муваффақиятли адо этдилар».

Сессия шарафига бошланган социалистик мусобақа колхоз далалари меҳнаткашларининг кучига-куч ва ғайратига-ғайрат қўшмоқда. Ғаллакорлар фидокорона меҳнат туфайли етиштирган мўл ғалла ҳосилини қисқа муддатда ва сра нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун курашмоқдалар.

«Қарши район, Парғўза қишлоқ советидаги «Узғариш», Худойназар қишлоқ советидаги Оҳунбобоев номли, Чироқчи район, Лангар қишлоқ советидаги Жданов номли ва Қамаши район, Араб қишлоқ советидаги «Дивизия» каби ўнлаб колхоз ғалла топшириш планини аллақачон бажариб қўйди».

Янги ўқув йилига тайёрлик

Совет қишилари Стокгольм Мурожаатига бир тан-бир жон бўлиб қўл қўйиш билан, улуғ Сталиннинг теварагига маҳкам жипслашганликларини намойиш қилмоқдалар, ҳаётимизнинг янада фаровон бўлиши учун, кишиликнинг бахт-саодати учун, фан ва маданиятимизнинг тобора гуллаши учун овоз бермоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз, шахсан улуғ доҳимиз ўртоқ Сталин фан ва маданиятга, халқ маорифи ишларига зўр э'тибор бериб, совет маорифчилари ҳақида доимий ғамхўрлик қилмоқдалар. Давлатимиз мактаб-маориф ишларига ҳар йили бирнеча юз миллион сўмлаб маблағ ажратмоқда.

Наманган областининг мактабларида 1949 — 1950 ўқув йили бирмунча яхши кўрсаткичлар билан якунланган бўлса ҳам, аммо янги ўқув йилига тайёрликнинг бориши ниҳоят қониқарсиздир.

Бу ҳақда Наманган область **«Сталин ҳақиқати»** газетаси бундай деб ёзади:

«...Областьда 135 мактаб капитал, 210 мактаб жорий ремонт қилиниши керак эди. Ҳозиргача фақат 25 та мактаб капитал ремонтдан, 130 та мактаб жорий ремонтдан чиқарилди. Янги ўқув йилига тайёрлик ишлари Тўрақўрғон, Косонсой, Уйчи районларида, Наманган ва Чуст шаҳарларида айниқса суст».

Шуни айтиш керакки, «Сталин ҳақиқати» газетаси Ўзбекистон ҳукуматининг бу йил мактаб ёшидаги барча болаларнинг ўқишга тортилишига алоҳида э'тибор бериб, бу ҳақда махсус қарор қилганини эсдан чиқарган бўлса керак, бу тўғрида қандай тайёрлик бораётганини ўз саҳифасида ёритмай келаётир.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИНИНГ РЕДАКЦИЯСИ ЁШ АВТОРЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛСИН

Менинг «Қувонч ва ўкинч» номли повестим 1948 йилнинг февраль ойида «Шарқ юлдузи» журнали редакцияси қишлоқ советидаги нашр этилишга қабул қилинган эди.

1949 йилнинг апрель ойида отпускага бориб журнал редакциясига кирган эдим. Журналнинг ўша вақтдаги масъул секретари ўртоқ Мирзакалон Исмоилий менга повестим яқин кунларда нашр этилабошлашлигини айтди. Миннатдорчилик билдириб қайтдим.

Орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтди.

Ёзучи, Ўзбекистон Совет ёзучилар союзи проза секцияси бошлиғи ўртоқ Ойбек мен хизмат қилаётган қисм командирига хат ёзиб, повестим ҳақида ўз фикрини билдирди.

«Ёқубовнинг «Қувонч ва ўкинч» повестини, — деб ёзди Ойбек, — хурсандчилик билан қабул қилиб олдик, бу повесть автор анча умидли эканини кўрсатади, унинг ҳозир ёзаётган иккинчи повести совет адабиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади деб ишониш мумкин».

Ойбек хатида менга ижод қилиш учун шароит яратиб берилишини ҳам қисм командиридан сўраган.

Аммо повесть босилмади. Мен журнал редакциясига ёзган хатларнинг ҳаммаси жавобсиз қолди.

Бу факт «Шарқ юлдузи» журнали ёш авторларга бепарволик билан қараётганини кўрсатади. Мен журнал редакциясидан ўз активлари — ёш ёзучиларнинг ижодига э'тибор билан қарашини талаб этаман.

Гвардиячи старшина

Одил ЁҚУБОВ.

Наманган областида

МИНГДАН ОРТИҚ ЙИГИТ-ҚИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА БОРАДИ

Бу йил областьдаги ўрта мактабларнинг 10-нчи синфларини минглан ортиқ йигит-қиз битириб чиқди. Шу жумладан, Наманган шаҳрида 173, Уйчи районида 152, Чуст районида шаҳрида 229, Наманган районида 123 ўқувчи тўла ўрта ма'лумот эгаси бўлди.

Ўрта мактабларни битириб чиққанларнинг деярли ҳаммаси республикамиздаги ва Москвадаги олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун ариза берди.

ГЭС ИШГА ТУШИРИЛДИ

Чортоқ район, Ойқирон қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда қурилабошлаган ГЭС ишга туширилди. Бу, область колхозларидаги биринчи энг катта ГЭС бўлиб, 450 киловатт кучга эга.

ГЭС район маркази ва атроф колхозларини Ильич нури билан ёритмоқда. Ҳозир колхозда қишлоқ хўжалик ишларининг муҳим тармоқлари ва колхозчиларнинг уйларини тўлиқ электрлаштириш учун қизғин иш олиб борилмоқда.

ШАҲАНД ҚИШЛОҒИДА ОБОДОНЧИЛИК

Тўрақўрғон районининг Шаҳанд қишлоғи марказида яқинда қурилиб тамомланган 500 кишилик кино-театр биноси эксплоатацияга топширилди.

ИЛҒОР СЕЛЬПО

Янгиқўрғон район, Заркент қишлоқ советидаги сельпо коллективи областьда ўн йилдан бери биринчиликни эгаллаб келмоқда. Сельпо 1950 йилда ҳам муваффақият билан ишлаб, мол оборотини планини 174 ва пай тўплаш планини 160 процент бажарди.

Сельпо ҳузурида янгидан 2 та магазин ва маданий моллар сотучи 1 та магазин очилди. Ҳозир сельпо ихтиёрида 13 магазин бор, буларнинг ҳаммаси қишлоқ меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатмоқда.

С. ОТАЖОНОВ.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Халқ маорифи ишига етарли э'тибор қилинмаётир"

«Қизил Ўзбекистон»нинг шу йил 5 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола босилиб, унда Хоразм областининг Урганч шаҳрида ва Шовот районида ўқув ёшидаги болалар мактабларга етарли тортилмаганлиги натижасида, умумий мажбурий та'лим плани бажарилмаётганлиги, шунингдек айрим жойларда ўқув ёшидаги қизларнинг ўқишни ташлаб кетишларига йўл қўйилиб келинаётганлиги кўрсатилган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Хоразм область Советининг ижроия комитети бу мақолани муҳокама қилиб, унда кўрсатилган фактларни тўғри деб топди ва бу ҳақда махсус қарор қабул қилди. Қарорда область халқ маорифи бўлимининг раҳбарларига ҳамда Урганч шаҳар ва Шовот район ижроия комитетларининг раҳбарларига мактаб-маориф ишларидаги камчиликларни йўқотиш ҳақида тегишли йўл-йўриқлар берилди.

Шунингдек, бу мақола Шовот район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилиниб, район маориф бўлимининг мудири Худойберганов қаттиқ огоҳлантирилди ва ўқув ёшидаги қизларнинг ўқишдан қолиб кетишларига йўл қўйиб келган шахсларга тегишли чоралар кўрилди.

Босилмаган хабарлар изидан

Редакциямизга келган бир хабарда Самарқанд область, Комсомол район матлубот союзининг раиси Жалиловнинг мас'улиятсизлиги ва бепарволиги орқасида айрим савдо ходимлари кооператив мулкини талон-торож қилиб катта растратларга йўл қўйиб келаётганликлари кўрсатилган эди.

Самарқанд область прокуратураси бу хабар юзасидан текшириш ўтказиб, унда кўрсатилган фактларни тўғри деб топди.

Кооператив мулкининг талон-торож қилинишига йўл қўйиб келган Комсомол район матлубот союзининг раиси Жалилов ўз вазифасидан олинди. Шунингдек, растратчиларни жиноий жавобгарликка тортиш учун, улар ҳақидаги ҳужжатлар Комсомол район прокурорига топширилди.

Пропагандистлар курсида

МАРҒИЛОН шаҳар партия комитети ўқитучилар институти биносида шаҳар пропагандистлари учун уч ойлик курс очди. Курсга 25 коммунист жалб этилди. Курсда ўқитучилар институтининг илмий ходимлари ва шаҳар партия комитетининг лекторлари машғулот ўтказмоқдалар.

Курсда ҳар пайшанба куни машғулот бўлади. Шаҳар партия комитети пропагандистларининг машғулотларга системали равишда қатнаб туришини ва машғулотларнинг юқори савияда ўтишини та'минлаш учун алоҳида тадбирлар белгилади.

Т. МАҲМУДОВ.

☆

КОГОН шаҳар партия комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм кечки университетини шаҳар партия ва совет ташкилотлари раҳбар ходимларидан 28 киши биринчи марта битириб чиқди. Афтаев, Чиқанова, Самсонова, Шутин ва Юсупов ўртоқлар ўтилган фанлардан «яхши» ва «а'ло» баҳо олдилар.

А. АБДУРАСУЛОВ.

САМАРҚАНД. («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Ўзбекистон К(б)П область комитети ҳузурида ташкил этилган бир ойлик пропагандистлар тайёрлаш курсида машғулотлар муваффақиятли давом этаётир. Бу курсда мўлжалланган 90 киши ўрнига 92 киши ўқимоқда.

Областьнинг Нурота, Фориш, Қўшработ ва бошқа районларидан келган пропагандистлар, қуйи партия органларининг ходимлари курсда ўз малакаларини оширмоқдалар, марксизм-ленинизм назариясини қунт билан ўрганмоқдалар. Нурота районидаги Молотов номли колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари Бердиқул Боймонов, Комсомол районидаги Сталин номли колхоз партия ташкилотининг секретари Усмонов ва бошқа ўртоқлар дарсларни яхши ўзлаштирмоқдалар.

Ўқишдан ташқари, қишлоқ пропагандистлари, шаҳарнинг тарихий ёдгорликларини бориб кўрдилар, театр ва музейларда бўлдилар. «Красный двигатель» заводининг иши билан танишдилар.

Бошланғич партия ва комсомол ташкилоти секретарларининг семинари

Наманган область, Чортоқ район партия комитети муассаса, колхоз бошланғич партия ва комсомол ташкилотлари секретарларининг 2 кунлик семинарини ўтказди.

Семинар қатнашчилари «Фан ва хурофот», «Халқаро аҳвол», «Партия—комсомолнинг етакчиси» ва «Колхоз тузумининг ғалабаси» деган темаларда лекциялар тингладилар. Шу билан бирга, семинар қатнашчиларини ўз ишларини яхши йўлга қўйган юқори ҳосилли колхоз партия ташкилотларининг ишлари билан таништириш мақсадида экскурсиялар ўтказилди.

П. АЛИХОНОВ.

КОНСУЛЬТАЦИЯ

Лекцияни қандай ўқиш керак

Лекция ёзилиб тайёр бўлганидан кейин, лектор лекция ўқишдан илгари лекция ўтказиладиган шаҳар, район ёки юрхонадаги аҳвол билан танишиб чиқиши керак. Бу эса шу жойдаги конкрет фактлар ва мисолларни лекция ўқиган вақтда қўшиб баён этиб бериш учун, лекциянинг яна ҳам жонлироқ чиқиши учун имконият беради. Лектор лекция ўқимасдан илгари, тингловчилар билан суҳбатлашиб олиши ҳам анча фойдалидир. Лектор лекцияни бошлаб юбормасдан илгари лекция ўқиладиган жойни, карталар, схемалар ва диаграммаларни қаерга жойлаштириш лозимлигини кўриб чиқиши керак.

Тингловчилар олдида лекция ўқиш лектор ишининг энг масъулиятли давридир. Агар лектор темани яхши тушунтириб бераолмаса, энг яхши тайёрланган лекция ҳам ўз қимматини йўқотади. Лектор томонидан ўқиладиган темани, чуқур ва ма'ноли қилиб тайёрланган лекцияни бир формага солиб тингловчиларга тушунтириб бериш лекциянинг яхши чиқишини та'мин этади. Ана шундагина лекция ўз олдига қўйган мақсадини бажарган бўлади, тингловчиларни мамлакатимизда коммунизм қуриш ишларига жалб этган бўлади.

Жонли большевистик сўзнинг та'сир қуввати буюкдир. «Шамол торларни йўқ қилиб юборади, сўз халқларни қўзғатади», деган мақол бор. Партиямиз омма билан равшан, ўткур ва ма'ноли сўзлашадиган яхши нотиқларга эга бўлса, ишда муваффақиятларга эришади. Лекторлар лекция ўқиганда ўз фикрларини оддий, аниқ ва равшан баён этиб беришда доҳиларимиз Ленин ва Сталиндан ўрганишлари керак. «Жуда чигаллашган нарсалар ҳақида фақат Ленингина содда ва равшан қилиб, қисқача ва дадиллик билан ёзабилар эди: унинг ҳарбир сўзи ўқдай ўткур, эди» (И. Сталин — Асарлар, 6 том, Ўздавнашр, 1949 йил, 69 бет).

Сўз маданиятини эгаллаш лекторга табиий берилган нарса эмас. Ҳарбир лектор ўз устида қанча кўп ишлар экан, нотиқлик санъатини шунча тез эгаллаб олади, лекцияни яхши ўқийдиган бўлади. Бунинг учун лектор ўз маданиятини ошириб бориши, тилни ўрганиши керак.

Лектор лекция ўқиган вақтда ўз сўзининг тўғрилиги, оддийлиги ва равшанлигига алоҳида аҳамият бериши лозим. Лектор ўз фикрларини, сезгиларини ўқучиларга тўлиқ баён этиб бериш учун жуда кўп адабий сўзлар бойлигига эга бўлиши керак.

Лектор лекция ўқиган вақтда кераксиз, тингловчилар тушунмайдиган сўзларни ишлатмаслиги керак. Унинг сўзлари бир-бирига боғланган, мантиқий жиҳатдан яхши тузилган бўлиши лекциянинг қимматини кўтаради.

Ленин «пропаганда ва агитациянинг асосий шарти равшанлиқдир» (Асарлар, XXV том, 105 бет) деб та'лим беради. Сўзнинг равшан бўлиши, фикрнинг равшан бўлишига олиб келади.

Лекторнинг сўзи ҳар турли кераксиз сўзлардан холий бўлиши керак. Лектор лекция ўқиган вақтда «шундай қилиб», «умуман», «демак» ва шунга ўхшаган бекорчи сўзларни ишлатмаслиги лозим. Бундай сўзларни ишлата бериш тингловчиларни зериктиради ва лекцияни яхши тушуниб олишларига халақит беради. Лекцияни баён этиб беришда унинг формасига эмас, ма'носига э'тибор қилиш керак.

Лекция ўқиган вақтда лектор нутқидаги талаффуз катта роль ўйнайди. Лекцияни бирхил овоз билан ўқиш тингловчиларни зериктиради. Лектор англия-америка империалистларининг шарманда далилларини фош қилган вақтда бошқача талаффуз билан, халқ демократияси мамлакатларининг муваффақиятлари тўғрисида гапирган вақтда эса яна бошқача талаффуз билан гапириши керак.

Донбасседа халқнинг шундай бир ҳикояси бор. Саводсиз бир чол ўз ўғлидан хат олган. Бу хатда ўғли ўз бошига тушган бахтсизлик тўғрисида ёзиб отасидан ёрдам беришни илтимос қилган. Чолнинг қўшниси хатни унга бир талабнома тарзида ўқиб берган. Чол хатни эшитиб, ундан ёрдам сўраган ўғлидан аччиғланган. Сўнгра, шу хатни унга бошқа қўшниси ўқиб берган. Қўшниси хатни илтимос тариқасида ўқиб берган. Чол кўзига ёш олиб: «ўғлимнинг бошига бахтсизлик тушибди, унга ёрдам беришим керак», деган.

Лекция ўқиган вақтда паузалар қилиш ҳам зарурдир. Лекция бошлашдан илгари лекторнинг пауза қилиши, тингловчиларнинг лектор билан танишиб олиши учун ёрдам беради. Лекция ўқилаётган вақтида эса пауза лектор томонидан баён этилган фикрларни тингловчилар яхши ўзлаштириб олишлари учун имконият беради. Аммо лекция ўқиган вақтда узоқ давом этадиган пауза қилиш зарарлидир.

Лекция ўқишнинг энг асосий шартларидан бири—лекторнинг самимийлигидир. Лекция ўқиган вақтда тингловчиларга фақат ўз фикрини баён этиб беришгина кифоя қилмайди. Лектор лекция ўқиганда тингловчиларга ўзининг самимийлигини, лекцияни чин юрак билан ўқиётганлигини сездириши керак.

Ф. Э. Дзержинский ВКП(б) Марказий Комитети ва Марказий Контроль Комиссиясининг пленумида сўзлаган тарихий нутқида бундай деган эди:

— «Сиз менинг кучим нимада эканлигини биласизми? Мен ўзимни ҳеч вақтда аямайман». Шу вақтда жойлардан «тўғри» деган овозлар эшитилди; «Шунинг учун, — деб давом этади Дзержинский, — сиз мени севасиз, шунинг учун сиз менга ишонасиз». Ф. Э. Дзержинский сўзларининг самимийлиги омма фикрига етиб борди.

Тингловчилар жуда кўп марта қайтарилаберибёзги чиқиб кетган сўзларни ёқтирмайдилар. Жонли большевистик сўз кишилар учун жуда қимматлидир. Агар лектор доимо қайтарилаберадиган жумлалар билан фақат ўз лекторлик бурчини бажариш, вақтни ўтказиш мақсадида лекция ўқиса, у лектор тингловчиларга яхши тушунча беролмайди.

Лектор лекция ўқиган вақтда тингловчиларга ҳар турли қизиқ ва ҳазил сўзларни айтиши мумкин. Ҳажв, истеҳзо... булар ҳаммаси нотиқ сўзининг энг муҳим усулларидандир. Ўртоқ Сталин Конституция лойиҳаси ҳақида қилган докладида СССРни «географияга тушунча» деб э'лон қилган немис-фашист газетасидан кулган эди. Бу ўринда ўртоқ Сталин уларга Шедрин асаридаги «Америка қайтадан ёпилсин» деган бефахм, ақлсиз бюрократни эслатиб ўтган эди.

Лектор қайси тилда лекция ўқимасин, рус тилини яхши билиш унинг учун мажбурийдир. Рус тилини билиш, биринчидан, Совет Иттифоқидаги халқлар билан мустаҳкам алоқа қилиш, иккинчидан, улуғ рус халқининг маданиятини тингловчиларга таништириш воситасидир. Рус тилини билиш лектор учун Ленин ва Сталин асарларини ўрганишда, марказий газета, журнал ва китобларни ўқишда унга катта ёрдам беради.

Ба'зи вақтда лекторлар: лектор лекция ўқиган вақтда лекцияни ёзилган текистдан ўқиши керакми ёки шу тайёрланган лекцияни тушунарли қилиб баён этиб бериш керакми, деган масалада ўзаро мунозара қилишадилар. Лекциянинг яхши чиқиши, тингловчилар уни э'тибор билан, завқланиб эшитишларига эришиш учун лектор лекция ўқиган вақтда жонли тил билан гапириши керак.

Лектор лекция ўқиш олдидан тингловчиларга қараб, «ўртоқлар» деб бошлаб, сўнгра конспектга қараб, тингловчиларга қарамасдан, конспектни ўқий бошласа, у вақтда тингловчиларни ўзига жалб этаолмайди. Шунингдек, лекция жуда чўзилиб кетмаслиги ҳам керак. Агар лекция чўзилиб кетса, тингловчиларда: лекция қачон тамом бўлар экан деган фикр келиб чиқади. Натижада, тингловчилар бу лекторнинг лекциясига иккинчи марта келмайдиган бўлиб қоладилар.

Тингловчилар лектордан ўзлари томонидан тушунилмаган саволларга тўлиқ ва равшан жавоб олишни кутадилар. Лекторнинг тингловчилар саволига мужмал, тушунмайдиган жавоб бериши уни обрўсизлантиради. Агар ба'зи бир қийин саволлар туғилиб қолса, лектор саволларга жавоб беришни келгуси лекцияга қолдириши ҳам мумкин.

Халқимиз большевиклар партиясининг раҳбарлигида мамлакатимизда коммунизм жамияти барпо этаётган ҳозирги вақтда партия учун, халқ учун хизмат қилишдан ҳам шарафлироқ иш йўқ. Большевизм назарияси билан қуролланган пропагандист лекторлар марксча-ленинча илғор фанга, доҳиларимиз Ленин ва Сталиннинг асарларига суяниб, совет халқини юксак ғоявий руҳда, социалистик Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашлари керак. Улар меҳнаткашларга большевистик мафкурани сингдиришда актив иштирок этишлари, кадрларни марксизм-ленинизм ғоялари руҳида тарбиялашда партиямизга яқиндан ёрдам беришлари керак.

Е. БЛОК.

Август ойида ғўзани юқори сифатли парвариш қилиб, ҳосилга ҳосил қўшамиз

☆ ☆

Ғўзани ҳосил етилгунча иккиуч марта парвариш қиламиз

(Тошкент область, Ўртачирчиқ районидаги Шверник номли колхознинг раиси ўртоқ ЗОКИРОВ блан суҳбат)

Колхозимизнинг а'золари ўтган йили июль ойининг иккинчи ярми ва август ойининг бошларида ғўза парваришини сусайтириб юбордилар. Биз ғўзанинг бўйига ва кўкига ишониб, ҳосилга ҳосил қўшиш ўрнига «энди чуқур чопиқ ва культивация қилинмаса ҳам ғўзанинг кўсаги кўпаяверади» деган нотўғри фикрда бўлиб, катта хатога йўл қўйдик. Натижада, колхозимизда пахта тайёрлаш давлат плани бажарилмади. Ҳар гектар ердан атиги 17 центнердан ҳосил топширилди. Колхозчилар ўтган йилги хато ва камчиликларга йўл қўймаслик учун шу кунларда зўр ғайрат блан фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитетининг яқинда э'лон қилинган Мактубида ғўза ҳосилга кираётган шу кунларда унинг парваришини янада кучайтириш, чопиқ, культивация ва айниқса суғоришни сра тўхтатмай ўтказиш—мўл ҳосил етиштиришда катта аҳамиятга эга эканлиги аниқ кўрсатилган.

Колхозимизнинг барча а'золари ўртасида партия ва ҳукуматимизнинг Мактуби муҳокама қилиб чиқилди. Колхоз правлениеси 25—30 кун ичида қилинадиган ишларнинг планини тузди. Биз планга кўра 265 гектар еримиздаги ғўзани икки марта, ўсиш ва ҳосил олишда бироз орқада қолаётган 13 гектар ердаги ғўзани 3 марта чуқур чопиқ ҳамда культивация қиламиз, икки-уч марта суғорамиз. Яхши амал олмаган ғўзаларга «шарват» суви берамиз.

Колхозимизда ҳозиргача ғўзалар 4 марта чуқур кетман чопиғи, 6 марта сифатли культивация қилинди. Илғор бригадалар 5-нчи чопиқ ва 7-нчи культивацияни тамомлаш олдида туриптилар. 52 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган ўртоқ Сиддиқ Парпиев бошлиқ бригада а'золари мусобақада олдинда бораётирлар. Бу бригаданинг ҳар туп ғўзасида 10—12 тадан тўқ кўсак бор. Бригада а'золари кўсакка кўсак қўшиш, ҳосилнинг эрта пишиб етилиши учун зўр бериб ишламоқдалар.

Ерларимиз тузилиш жиҳатидан икки хилга бўлинади. Биринчи хил ерларда ерости суви жуда юза. Агар ана шундай ерлардаги ғўзалар қисқа муддат ўтиши блан суғорилса, ғўза сарғайиб, кучсизланади, олган ҳосилни ташлаб юборади. Иккинчи хил ерларда эса, сув қатлами анча узоқ бўлгани учун, ғўзаларни тез-тез суғориб туриш талаб қилинади. Биз ерларнинг шароитига қараб ишламоқдамиз. Сув қатлами яқин бўлган участкаларда кўпроқ чопиқ ҳамда культивацияга, сув қатлами узоқ бўлган пайкалларда эса, ғўзани қондириб суғоришга алоҳида э'тибор қилаётирмиз.

Тажрибали ва кекса колхозчилардан танланган 30 киши ғўзани талабига қараб суғормоқда. Нурмат Йўлдошев, Муса Чуйбеков каби ўртоқлар суғораётган ғўзалар серҳосил бўлиб ўсмоқда.

Колхозимизда 3-нчи МТС нинг 3 та «универсал»и тўхтовсиз ишлаб турипти. Сершох ва бўйдор ғўза пайкаллари ғўзаларни ҳимоя қиладиган тўсиқ ўрнатилган «универсал»лар блан 17—18 сантиметр чуқурликда культивация қилинаётир. Ҳозиргача минг гектардан ортиқ ердаги ғўзани культивация қилган универсалчи Туроб Ортиқов шу кунларда смена нормасини бир ярим-икки ҳисса қилиб адо этмоқда.

Бундан ташқари, пахта даламизда 25 та от ва ҳўкиз культиватори ишлаб турибди. Культиваторчи колхозчилар ўзаро мусобақалашиб, кундалик нормаларини ошириб бажармоқдалар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети бизларни шу яқин 25—30 кун ичида пахта далаларида янада фидокорона меҳнат қилишга, ғўза парваришидаги камчиликларни тугатишга, шона, гул ва кўсакларни кўпроқ сақлаб қолиш блан, ҳосилга ҳосил қўшишга ва пахтани эрта етилтиришга чақирдилар. Колхозчиларимиз партия ва ҳукуматимизнинг бу чақириғига жавобан, ғўза парваришини кун сайин кучайтирмоқдалар. Ҳозир далада ишлаб турган 184 колхозчининг кўпчилиги белгиланган нормани 150—200 процент бажармоқда. Стахановчи кетманчилардан Қарши Тошева, Қарши Қобилова каби ўнлаб кетманчи ҳар куни иккитадан меҳнат куни ишламоқда. Уларнинг ҳарбири ғўза парваришининг қолган кунлари ичида яна 55—60 тадан меҳнат куни ишлаш мажбуриятини олдилар.

Колхозимизда ғўзаларни чеканка қилиш тамом бўлай деб қолди. Тажрибали колхозчилар ғўзани агрономлар маслаҳати асосида чеканка қилмоқдалар. Чилпиб олинган ўсиш нуқталари ва эркак шохларининг учи этакларга йиғилиб, кўмиб ташланмоқда. Чеканка—ғўза тупларида ҳосилнинг кўплаб ушлаб қолинишига, кўсак, гулларнинг янада кўпайишига катта ёрдам бермоқда. Чеканка қилинмасдан илгари ҳар туп ғўзамизда колхоз бўйича ўрта ҳисоб блан 6—7 тадан кўсак бор эди. Ҳозир кўсакларнинг сони ҳар туп ғўзада 8—9 тага етди.

Колхоз правлениеси зарарли ҳашаротлар блан курашишга алоҳида э'тибор бермоқда. Ҳашаротга қарши курашучи колхоз химизатори коммунист ўртоқ Йўлдошев раҳбарлик қилаётган бригада а'золари касалланган ғўзаларни дарҳол дориламоқдалар. Улар ғўзаларнинг соғлом бўлиб ўсиши, етиштирилган ҳосилни кўплаб сақлаб қолиш ҳамда ҳосилни янада ошириш учун курашаётиралр.

Меҳнат интизомининг мустаҳкам бўлишига, колхозчиларнинг унумли ва сифатли ишлашига эришмоқдамиз. Колхозчилар эрталаб ишга барвақт чиқадилар, даладан кеч қайтадилар.

Колхозчиларнинг самарали ишлашлари учун барча шароит яратиб берилган. Далада иссиқ овқат ташкил қилинган. Ҳар ўн кунда пул ва ғалла аванслари бериб турилади. Яхши жиҳозланган болалар боқчаси, кўчма яслилар бор. Ҳосилнинг тақдири ҳал қилинаётган ҳозирги кунларда колхоз идорасида ишловчи ходимлар ғўзани парвариш қилишда актив иштирок қилмоқдалар.

Бригада ва звено бошлиқлари колхозчиларнинг меҳнатини тўғри уюштириб, бажарилган ишларни кун сайин қабул қилиб олаётирлар.

Колхоз бошланғич партия ва комсомол ташкилоти далада ишловчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириб юборди. Колхозчилар фидокорона меҳнатдан кейин, маданий дала шийпонларида яхши дам оладилар. Агитаторлар турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Колхозимизнинг а'золари шу йил баҳорда 265 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Биз Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитетининг Ўзбекистондаги барча пахтакорларга қарата ёзган Мактубига жавобан, гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилдик. Бунинг учун дала ишлари сур'атини янада оширамиз. Ҳосил пишиб етилгунча ғўза парваришини сра тўхтатмай давом этдирамиз. Социалистик мажбуриятимизни албатта бажарамиз.



Самарқанд область, Пастдарғом районидаги 1-нчи МТСнинг тракторчиси Мансур Сувонов мавсум бошидан бу ён 900 гектар ердаги ғўзани культивация қилди ва 800 килограмм ёнилги тежади. Ўртоқ Сувонов тинчлик вахтасида туриб ишлаб, М. Горький номидаги колхозда ғўзаларга дори сепишда кундалик топшириқни 200 процент бажармоқда. **Суратда:** ўртоқ **Сувонов** ғўзаларга дори сепмоқда.

А. Кузьменко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Трактор культивациясини тўхтовсиз давом этдирамиз

Биз, тракторчилар, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг август ойида ғўза парваришини янада кучайтириш тўғрисидаги Мактубини бирдамлик блан ма'қуллаймиз ва ҳамма участкадаги ғўзалар тўла ҳосил олиб етилгунча парваришни давом этдирамиз.

Бизнинг трактор бригадамиз ғўза қатор ораларини ишлаш юзасидан ўз социалистик мажбуриятни бажарди. Универсалчи ўртоқ Бахриддин Шамсиев ғўзани парвариш қилишда ҳаммага намуна бўлди. У ҳозиргача 1.300 гектар ердаги ғўза қатор ораларини ишлаб берди. Ўртоқ Шамсиев Мактубга жавобан яна 250 гектар ердаги ғўзани культивация қилиш мажбуриятини олди.

Бригадамиз ғўзани культивация қилиш планини 110 процент бажарди. Айрим тракторчилар ян. ҳам унумли ишладилар. Улар ғўзанинг ҳозирги ҳосил тўплаш даврида культивация қилиш қанчалик мас'улиятли эканини яхши тушунадилар. Ҳозир ҳарбир тракторчидан культивация қилишда ва эгат олишда яна ҳам зўр ғайрат блан ишлаш, смена нормаларини тўла ва ошириб бажариш талаб этилади. Биз Ўзбекистон ҳукумати ва партия Марказий Комитетининг Мактубида кўрсатилган вазифаларни тўла амалга ошириш учун ҳар куни смена топшириғини камида бир ярим баравар бажаришга сўз берамиз.

Яқин 15—20 кун ичида ғўзани тўла ҳосилга киритиш ва кўсакларни етилтириш учун ўзимиз хизмат қиладиган колхозларда яна икки марта культивация қиламиз.

Ҳозир ғўзалар авж олиб ўсиб, бирбирига туташиб қолди. Шунинг учун тракторларни тўсиқ ўрнатиб ишлатаётирмиз. Қатор ораларидан тракторни эхтиётлик блан юргизамиз, бирорта ҳам ғўза шохининг синишига, кўсакларнинг узилиши ва ҳосилнинг тўкилишига йўл қўймаймиз. Ёнилғини тежаб сарфлаб, ҳар ҳафтада бир кун тежалган ёнилғи ҳисобига ишлаймиз.

Б. АБДУРАҲМОНОВ.

Фарғона область, Қува районидаги МТСнинг бригада механиги.

Пахтакорлар янги мажбуриятлар олмоқдалар

УРГАНЧ. («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Хоразм областининг колхозчилари, тракторчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактубини зўр қониқиш блан кутиб олдилар. Мактуб босилган газеталар аэроплан блан барча райондаги колхозларга етказилди. Мактуб колхозчиларнинг йиғилишда ва тракторчилар ўртасида қизғин муҳокама қилиниб, унда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун барча куч ва имкониятлар ғўза парваришига сафарбар этилмоқда.

Янгиариқ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида Мактубга жавобан ғўза парвариши янада кучайтирилди. Ҳосилга ҳосил қўшиш учун комсомолёшлардан махсус ғўзани озиқлантириш пости ташкил қилинди. Колхозда ғўза парваришида 250 киши ишлар эди, ҳозир буларга яна 60 киши қўшилди.

Боғот қишлоқ советидаги Наримонов номли колхоз а'золари Мактуб муҳокама қилингандан кейин ҳар гектаридан илгариги мажбуриятдаги 35 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилдилар.

Хева районидаги юқори ҳосилли Сталин номли колхознинг а'золари август ойида ғўзани яна икки марта парвариш қилиб, олинган мажбурият устига гектаридан яна 5 центнердан кўшимча ҳосил етиштиришга ва'да бердилар. Ғўза парваришини кучайтириш учун колхоздаги ма'мурий-хўжалик ва бошқа ишларда банд бўлган кишилар ҳисобига қўшимча равишда 80 киши далага чиқарилди.

Урганч районидаги Ленин номли колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Файзулла Бегжонов бошлиқ трактор бригадаси ғўза қатор ораларини ишлаш юзасидан мавсум топшириғини тўла бажариб, 1.900 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб берди. Бригаданинг тракторчилари Мактубга жавобан август ойида яна 250 гектар ердаги ғўзани культивация қилиш мажбуриятини олдилар.

М. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Тамаки ҳосилини агротехника қоидаларига мувофиқ йиғиштириб олайлик

Ўзбекистонда тамаки Самарқанд областининг Ургут ва Комсомол районларида экилади. Бу районларнинг иқлим ва тупроқ шароити юқори сифатли тамаки етиштириш имкониятини беради.

Тамаки экинини тўғри парвариш қилиб, ҳосилни ўз вақтида агротехника қоидаларига мувофиқ йиғиштириб олган колхозларда тамаки катта даромад беради. Ургут район, Почвон қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз 1949 йилда тамаки топшириш йиллик планини 120 процент бажариб, бир ярим миллион сўмдан кўпроқ даромад олди.

Партия ва ҳукуматнинг тамаки экучи колхозларнинг экономикасини мустаҳкамлаш тўғрисида қилаётган ғамхўрлиги бу колхозлардан ҳосилни юксак агротехника қоидаларига мувофиқ йиғиштириб олишни, тамаки топшириш давлат планини тўла бажаришни талаб қилади.

Ўтган йили Ургут ва Комсомол районларининг кўп колхозларида тамаки ҳосилини йиғиштириб олишда агротехника қоидалари бузилди, йиғим-терим жуда кечикди. Натижада, ҳосилнинг қарийб 20 процентини совуқ урди. Бундан ташқари, айрим колхозларда йиғиб олинган тамаки ҳосилининг сифати паст бўлди. Бу ҳол тамаки экинларини агротехника қоидаларига мувофиқ яхши парвариш қилмаслик орқасида юз берди.

Масалан, Ургут район, Ўрамас қишлоқ советидаги «Аланга», Почвон қишлоқ советидаги Ленин номли, Қуйи-қишлоқ қишлоқ советидаги «Қизил куч», «Меҳнат» ва бошқа бирқанча колхозда поя учлари ва ён шохлари ўз вақтида чилпиб ташланмади, шу сабабли тамаки барглари юпқа ва сифатсиз бўлди.

Тамаки барги 5—7 марта териб олиниши керак. Лекин Холмат қишлоқ советидаги «Коммунизм» ва бошқа кўп колхозда бу қоидага риоя қилинмади, балки поядаги ҳамма барг юқоридан пастгача бирданига териб олинди.

Деярлик ҳамма тамакичилик колхозида баргларни ипга тизиш қолоқ усулда, баргни битта-биттадан олиб тизиш йўли блан ўтказилди, шу блан иш унуми асосий тамакичилик районларидаги стахановчи илғор колхозчиларнинг иш унумига нисбатан 3—5 марта кам бўлди.

Тамаки ҳосилини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун, даставвал, тамаки ўсган вақтда кераксиз барглар ўз вақтида юлиб ташланиши, поя учлари чилпиб олиниши муҳимдир Бу—мўл ҳосил олишда ғоят катта аҳамиятга эга. Тамаки ғунчалаган пайтда поя учи 3—4 та чала барг блан бирга дарҳол қирқиб ёки синдириб ташланади. Ён шохлари эса тамаки ўсган даврда икки-уч марта узиб ташланади. Бу, шохларнинг 5—7 сантиметрдан ортиқ ўсишига йўл қўйилмаслиги керак.

Тамаки баргларини териб олиш жуда мас'улиятли ишдир. Тамаки барглари етилишига қараб пастдан бошлаб пешма-пеш териб борилади. Етилган тамаки барги рангдор бўлади, устида очсариғ доғлар пайдо бўлади, барг учлари сарғиш рангга киради, томири мўрт бўлади. Етилмаган барглар терилмаслиги керак.

Краснодар ўлкаси, Адлер районидаги «III Интернационал» колхозининг стахановчи а'золари қўллаётган усул тамаки баргларини теришда илғор усул ҳисобланади. Бу усул меҳнат унумини 3—5 марта оширади. Бу усул шундан иборат; барг икки қўллаб терилади. Барглар устма-уст эмас, балки ёнма-ён қилиб дасталаб терилади. Ипга тизган вақтда барг битта-биттадан эмас, балки даста блан. 7—15 таси бирданига олинади, дастадаги барглар кетма-кет нинага тизилаверади.

Бу усул иш сур'атини бирнеча марта тезлатади. Ташиган вақтда барг дасталари сават ёки яшикка тартиб блан солинади. Ипга тизадиган жойга тамаки баргларини аралаштириб олиб келиш қат'иян ман' этилади. Тизиладиган тамаки барглари саройда полга ёки сувалган ерга ёйиб қўйилади.

Тамаки барги ипга 0,5—0,6 метр узунликдаги махсус нина блан тизилади. Баргни ипга тизучи бир дастани олиб, барг томирларидан нина блан ипга тизаверади. Тизиш вақтида барглар нав'ларга ҳам ажратилади. Етилмаган, касалланган ёки ҳашарот тушган, шунингдек эзилиб қолган барглар айрим ипга тизилади.

Тамаки барг томирлари блан пастга қаратиб қўйиб саройда димланади. Баргнинг учдан икки қисми сарғайиши блан димлаш тамомланган ҳисобланади. Шундан кейин барг тизилган ип дарҳол чиқариб, қуритиш учун осиб қўйилади. Димлаш вақтида тамакининг бузилишига йўл қўймаслик учун, тез-тез текшириб турилади. Димлаш сояда (сарой ёки шийпонда) ўтказилади.

Ўзбекистон шароитида тамаки фақат қуёшда қуритилади. Барглари асосий томирнинг тўртдан уч қисми қуриши блан барг қуриган ҳисобланади. Қуритилган тамаки эрталаб йиғиб олинади.

Қуритилган тамаки қоплангунча ёпиқ биноларда осиб сақланади. Тамаки сақланадиган бино озода, қуруқ бўлиши, бундай биноларда тамакига ҳиди урадиган нарсалар бўлмаслиги керак.

П. ИВАНОВ.
С. ФИЛАТОВ.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги техника экинлари бошқармасининг агрономлари.

Қанд лавлаги парвариши кечиктирилмоқда

Фарғона область, Қўқон районидаги колхозларда қанд лавлаги парвариши агротехника қоидаларига мувофиқ ўз вақтида ўтказилмаслиги орқасида бирнеча йиллардан бери лавлаги тайёрлаш плани бажарилмай келади. Шунга қарамай, бу йил ҳам лавлаги парвариши йўл қўйиб бўлмаслик даражада кечиктирилмоқда.

Сталин қишлоқ советидаги Ленин номли, Ворошилов номли ва «Пролетар» колхозларида ҳанузгача лавлаги қатор ораларини иккинчи марта ишлаш тамом бўлган эмас. Чопиқ ва культивациянинг сифати ҳам паст. Бунинг сабаби шуки, колхозлардаги ишга яроқли кишиларнинг ҳаммаси лавлаги парваришига тўла сафарбар этилмаган. Колхозчилар ўртасида қат'ий меҳнат интизоми ўрнатилмаганлиги натижасида далага кеч чиқиш, ишдан эрта қайтиш ҳоллари авж олган. Шунинг учун ҳам Ленин номли колхозда 16, Ворошилов номли колхозда 21, «Пролетар» колхозида 14 гектар ердаги қанд лавлагиси бир марта чопиқ қилинганича ётибди.

Ленин қишлоқ советидаги «Гулистон», «Қизилбоғ» колхозларида ҳам қанд лавлагидан юқори ҳосил олиш учун кураш кучайтирилмаган. Ўртоқ Тожибоев раис бўлган Куйбишев номли колхозда 86 гектар ердаги қанд лавлагидан энди 52 гектари иккинчи чопиқдан чиқарилган. 34 гектар ердаги лавлаги ёввойи ўтлар орасида қолиб ўсишдан тўхтаб қолган. Колхозда меҳнат тўғри ташкил қилинмаган. Дала ишларига ажратилган мавжуд ишчи кучларидан қарийб 20 проценти доимий равишда прогул қилади. Колхозда ишлаган ва ишламаганларнинг фарқига борилмайди.

Колхозчилардан Аҳмедова, Қорабоева, Асқарқулов, Тожибоева ва Оқилова ўртоқлар июнь—июль ойлари ичида дала ишларига мутлақо қатнашмаганлари ҳолда, табельчи уларга 8 — 9 тадан меҳнат куни ёзиб қўйган.

Қайнар қишлоқ советидаги «Ўртоқ» колхозида лавлагини парвариш қилишда агротехника қоидалари бузилмоқда. Колхоз раҳбарлари қанд лавлагига солиш учун давлат томонидан берилган 9 тонна минерал ўғитни шолига солишга сақлаб қўйганлар.

«Намуна» колхозида колхозчиларга ўз вақтида аванс берилмаётир. Яқинда колхозчиларнинг меҳнат кунлари учун олинган 2 тонна шакар меҳнат кунларига аванс тариқасида бериш ўрнига, раиснинг буйруғи блан бир қисми бозорга сотилган ва бир қисми ба'зи колхозчиларгагина берилган.

Районнинг кўпчилик колхозида болали хотинлар дала ишларида қатнашмайдилар. Улар болалар боғчаси ва яслиси ташкил қилинмаганлигидан, ўз болалари блан банд бўлиб, колхоз ишлабчиқаришидан четда қолмоқдалар.

Б. ШОКИРОВ.

Пахтани машина блан теришга ўз вақтида тайёрланайлик

Пахтачиликни янада ривожлантиришда республикамиз олдида ғоят катта вазифалар турибди. Пахта етиштиришни кўпайтириш, даставвал, пахта майдонларини кенгайтириш ва ҳосилни ошириш йўли блан бориши лозим. Шу муносабат блан қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачилик ишларини машиналаштиришга катта э'тибор берилади, чунки механизациядан комплекс равишда кенг фойдаланган тақдирдагина бу вазифани бажариш мумкин.

Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партиясининг X с'езди ўз қарорида бундай деб ёзган эди: «Барча қишлоқ хўжалик ишларини, даставвал, пахтачилик ишларини комплекс равишда кенг машиналаштириш пахтачиликни ривожлантириш юзасидан белгиланган программани муваффақиятли бажаришнинг энг муҳим шартидир». Шу блан бирга, с'езд жуда кўп меҳнат талаб қиладиган пахта теримини тезроқ машиналаштиришга алоҳида э'тибор берди.

Совет конструкторлари томонидан республикамизда жуда яхши пахта териш машинаси яратилди. Бу машина иш сифати жиҳатидан чет мамлакатлардаги пахта териш машиналаридан анча юқори туради. Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводи 1949 йилда бу машиналарни кўплаб ишлаб чиқарди. Ўтган йили 137 колхоз ва 7 совхозда пахта машина блан терилди.

Кенг кўламда ўтказилган бу биринчи тажриба қишлоқ хўжалик мутахассислари, МТС директорлари, колхоз раислари, партия ташкилотлари томонидан пахтани машина блан териш ишига жиддий э'тибор берилган жойда пахта териш машиналари яхши натижа берганлигини кўрсатди. Масалан, Чиноз районидаги 1-нчи, Наманган районидаги 2-нчи ва Охунбобоев районидаги 1-нчи МТСларда ҳарбир машина кунига ўрта ҳисоб блан биринчи теримда нормадаги 1,2 гектар ўрнига 1,8—1,85 гектар ердаги пахтани терди.

Пахта териш машиналарининг айрим механик-ҳайдовчилари кунига 3 — 4 гектар ердаги, я'ни 40—45 центнер пахтани тердилар. Шу блан бирга, териш вақтида пахтанинг тўкилиши унча кўп бўлмади.

Пахтаси машина блан териладиган ерлар олдиндан яхши тайёрланганлиги, механик-ҳайдовчилар диққат блан танланганлиги ва машиналарнинг иши яхши уюштирилганлиги туфайли пахта теришда 45 процент ишчи кучи тежалди. Пахта териш машиналаридан фойдаланишга жиддий тайёргарлик кўрилмаган МТС ва колхозларда эса, аксинча, пахта териш машиналарининг иши унчалик яхши натижа бермади. Бундан ташқари, машина блан териш учун махсус участкалар ажратиш ва бу участкаларда пахтани қўл блан термаслик тўғрисида юқори ташкилотлар томонидан бирнеча марта кўрсатмалар берилишига қарамай, Янгийўл, Пахтаобод ва Ғиждувон районларида ба'зи колхозларнинг раҳбарлари машина блан териладиган участкалардаги пахталарни вақтидан илгари қўл блан тердириб олдилар. Бу районларда механизацияга қарши бўлган бу хил кайфиятлар колхозчилар ўртасида оммавий тушунтириш ишлари олиб борилмаганлиги натижасида юз берди.

Бу йил республиканинг кўп колхоз ва совхозларида бирнеча мингта пахта териш машинаси ишлайди. 177 та машина-трактор станцияси ва 15 пахта совхози пахтани машина блан терадилар. Бу эса Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигидан, МТС ва совхоз директорларидан ана шу пахта териш машиналаридан кўпроқ ва унумли фойдаланиш масаласига жиддий э'тибор беришни талаб қилади, чунки пахтани машина блан теришнинг аҳамияти етарли тушуниб олинмаган жойларда бу йил ҳам пахтани машина блан теришга қарши кайфиятлар бўлиши мумкин.

Текшириш натижасида ма'лум бўлишича, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг 1950 йилда пахтани машина блан теришга тайёргарлик кўриш тўғрисида шу йил 5 июньда чиқарган қарори қониқарсиз бажарилмоқда. Биронта областьда ҳам пахтаси машина блан териладиган майдонлар ажратиб бўлинмаган. Тошкент областидаги Янгийўл ва Бекобод, Фарғона областидаги Куйбишев ва Олтиариқ, Бухоро областидаги Когон МТСларида бу иш айниқса қониқарсиз бормоқда.

Пахтаси машина блан териладиган майдонларни ажратиш иши қониқарсиз бориши блан бирга, бундай майдонларда талаб қилинган қоидаларга риоя қилинмаётир. Пахтаси машина блан териладиган майдонлар тўғри ажратилмаса, машиналар яхши ишлайолмайди. Шу сабабли Мирзачўл районидаги 4-нчи МТСда 60 гектар, Сирдар'ё районидаги 4-нчи МТС да 120 гектар пахта майдони брак қилинди. Наманган областининг Косонсой ва Уйчи районларида ҳам худди шундай сабаблар орқасида кўпгина пахта майдонлари машина блан теришга ярамайди деб топилди.

Андижон область, Сталин районидаги 1-нчи МТС хизмат қиладиган колхозларда, шунингдек Хоразм областининг Шовот, Гурлан ва Манғит районларидаги колхозларда ҳам пахтаси машина блан териладиган майдонларни ажратишга мутлақо киришилмаган.

Пахта териш машиналарининг юқори унумли ишлаши учун машина блан териладиган далаларни ажратишни дарҳол тамомлаб, бу ерларда ғўзани суғориш, культивация қилиш, чопиш ва чеканка қилиш ишларини Қишлоқ хўжалик министрлигининг инструкциясига мувофиқ ўтказиш зарур. Бундай пахта майдонлари яхши текисланиши, ҳайдов узунлиги 300—400 метр, қатор оралари кенглиги 70 сантиметр бўлиши керак. Пахта машина блан териладиган майдонларда ёввойи ўтлар мутлақо бўлмаслиги лозим. Ёввойи ўтлар машиналарнинг иш унумини камайтиради, пахтанинг кўп нобуд бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун пахтаси машина блан териладиган майдонлардаги ғўзалар шу кунларда айниқса диққат блан парвариш қилиниши лозим.

Пахта териш машиналарининг унумли ишлаши уларни бошқаручи кадрларга боғлиқдир. Ҳарбир тракторчи бу машинани бемалол ҳайдай беради деб ўйлаш хато бўлади. Пахта териш машинаси жуда мураккаб қишлоқ хўжалик машинаси бўлиб, ишнинг кўзини билган юқори малакали механик-ҳайдовчиларни талаб қилади.

Ҳолбуки, ҳамма МТС ва совхозларда пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларни тайёрлаш яхши йўлга қўйилмаган. Тошкент, Наманган ва Самарқанд областьларида механик-ҳайдовчи кадрлар тайёрлаш айниқса ёмон аҳволда. Бу областьларда механик-ҳайдовчилар тайёрлаш иши жуда секин бормоқда. Бухоро ва Сурхондар'ё областьларида эса бу ишга ҳали киришилмаган. Трактор бригадаларининг бошлиқларини қайта тайёрлаш иши бундан ҳам ёмон аҳволда. Биронта областьда ҳам бригада бошлиқларини қайта тайёрлашга киришилмаган. Ваҳоланки, йиғим-терим бошланишига жуда оз вақт қолди.

Механик-ҳайдовчилар тайёрловчи курсларга тракторда ишламаган ёки тракторни яхши билмаган ёш, тажрибасиз тракторчиларни юбориш ҳоллари ҳам бор. Бундай тракторчилардан қисқа муддатда пахта терадиган мураккаб машинанинг узлуксиз ишлашини та'мин қилаоладиган малакали механик-ҳайдовчи тайёрлаб бўлмайди, албатта.

Кадрлар тайёрлашдаги бундай ярамас аҳвол Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлиги кадрлар тайёрлаш бўлимининг қониқарсиз ишлаши (министр ўринбосари ўртоқ Маҳмудов, бўлим бошлиғи Калистратов ўртоқлар) натижасида юз берди. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлиги бу муҳим ишни уюштириш юзасидан дарҳол қат'ий чоралар кўриш ўрнига, ҳозирча ёзма расмий кўрсатмалар бериш блан қаноатланиб келмоқда. Пахтачилик министрлиги қишлоқ хўжалигидаги бу янги ихтисос юзасидан кадрлар тайёрлаш тўғрисида биронта область бошқармаси бошлиғи ёки ўринбосарининг, шунингдек биронта МТС директорининг ҳисоботини эшитгани йўқ. Бунинг натижасида кўпгина область пахтачилик бошқармалари ва район бўлимларида бу соҳада хотиржамлик ҳукм сурмоқда.

Механизатор кадрлар тайёрлашнинг қониқарсиз уюштирилганлигига яна бир сабаб шуки, область ва район партия органлари бу муҳим иш соҳасини мунтазам назорат қилиб турмайдилар. Кадрлар тайёрлашдек муҳим ишга бундай муносабатда бўлиш нотўғридир.

Бундай муносабатни дарҳол ўзгартириб, механизация мактабларини МТС ва совхозлардаги трактор бригадаларининг энг яхши илғор тракторчилари ва бригада бошлиқлари блан тўлдириш керак, токи йиғим-терим бошланишигача қолган қисқа вақт ичида пахта териш машиналари малакали механик-ҳайдовчилар ва бригада бошлиқлари блан та'минлансин.

Механикларни машиналарга биркитиб қўйишни ҳозирданоқ бошлаш керак, токи улар машинани текшириб ва синаб кўраолсинлар. Кўрак чувиш машиналарини ремонт қилиш ишини ҳам дарҳол кучайтириб юбориш, уларни машина блан териладиган пахтани тозалашга тахт қилиб қўйиш керак.

Тошкент шаҳридаги пахта териш машиналари ишлаб чиқаручи саноат корхоналари қишлоқ хўжалигидан катта қарздор бўлиб қолмоқдалар. Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводи (директори ўртоқ Низовой) шу йилнинг биринчи ярмида республиканинг МТСларига 600 дан ортиқ пахта териш машинасини тайёрлаб беролмади. Бу завод июль ойида ҳам пахта териш машиналарини кўнгилдагидек етказиб бермаётир. Пахта териш машиналари учун запас қисмлар мутлақо ишлаб чиқарилмайди. Бу блан республиканинг МТС ва совхозларини оғир аҳволга тушириб қўйилмоқда, чунки запас қисмлар, биринчидан, ўтган йили ишлаган машиналарни ремонт қилиш учун зарур бўлса, иккинчидан, бу йил иш вақтида машиналарни тузатиш, ремонт қилиш учун зарурдир. «Ташсельмаш» заводи машина блан терилган пахтани тозалаш учун пахта заводлари ҳузурида ташкил қилинадиган цехларга зарур бўлган ускуналарни ҳам қониқарли ишлаб чиқармаётир.

«Узбексельмаш» заводи (директори ўртоқ Стикайло) қишлоқ хўжалиги учун машиналар ишлабчиқариш планини қониқарсиз бажармоқда.

Вазифа шундан иборатки, мазкур заводлар қолган вақт ичида қишлоқ хўжалиги ва пахта заводлари учун зарур машиналарни, асбоб-ускуналарни ва запас қисмларни кечиктирмай жўнатишлари керак.

Бу йил пахтани кенг кўламда машина блан теришни муваффақиятли ўтказиш учун область ва район партия ташкилотларининг бу муҳим ишга ҳозирдан катта э'тибор беришлари талаб қилинади.

Пахтани машина блан териш масалалари ҳақида МТС ва совхоз ходимлари, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни ҳартарафлама кучайтириш, пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш ва теримни сифатли ўтказиш учун социалистик мусобақани кучайтириб юбориш зарур.

П. СОКОЛОВ.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлими мудирининг ўринбосари.

ҚУРИЯДАГИ ВОҚИАЛАР

ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ПХЕНЬЯН, 31 июль. (ТАСС). Қўрия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 31 июль эрта билан қуйидагиларни билдиради:

Халқ армияси қисмлари ҳамма фронтларда америка қўшинлари қисмларига қарши жангларни давом эттирдилар.

Халқ армиясининг илғари Иондон (Эйдо)ни ишғол қилган қисмлари 29 июльда Хванган (Коқан)ни озод қилдилар. Хванганни озод қилиш учун олиб борилган жангларда душман аскарларидан кўп киши ўлдирилди. Ўлжалар қўлга туширилди.

ПХЕНЬЯН, 31 июль. (ТАСС). Қўрия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги бугун кечқурун қуйидагиларни билдирди:

Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда америка қўшинларига қарши шиддатли жангларни давом эттирмоқдалар.

Халқ армиясининг Хванган (Коқан)ни озод қилган қисмлари Хванганнинг шарқи-жанубида америка қўшинларининг қаттиқ қаршилигини енгдилар. Америка қўшинлари катта талафот кўрдилар. 105 миллиметрли 3 тўп, 81 миллиметрли 5 миномёт, 100 га яқин 60 миллиметрли миномёт, 57 миллиметрли 6 тўп, 21 автомашина, кўп миқдорда оғир ва енгил пулемётлар, милтиқ ва карабинлар, радиоаппаратлар ва бошқа аввомлар ўлжа олинди.

Бошқа фронтларда катта ўзгаришлар бўлмади.

ҚУРИЯДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 31 июль. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Кочхан (Киосио) районидаги америка қўшинлари билан бирга бўлган мухбири Бойл қуйидагиларни билдиради: Шимолий Қурия қўшинлари рўпарадан ва ёнбош томонлардан ҳужум қилиб, «америка полки жойлашган ерларнинг орқа томонида 1.500 ярд масофада ёнбош томонда янги позицияларни вужудга келтирдилар».

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Токио мухбири билдиради: Қурия Халқ армияси Ечхонь (Рейсен) районида бўлган қўшинларга зарбани кучайтирди. жанубий қуриялилар 8-нчи дивизиясининг қисмлари эса «бирмунча чекинишга» мажбур бўлдилар, чунки Аньдон (Анто) яқинида Шимолий Қурия қўшинлари мазкур дивизиянинг чап қанотига ўриб кирдилар.

НЬЮ-ЙОРК, 31 июль. (ТАСС). «Нью-Йорк таймс», «Нью-Йорк геральд трибюн» газеталари ва бошқа газеталар Шимолий Қурия қўшинларининг Чиньчжу томон жанубга ҳужум қилиб бораётганликларини билдирадилар.

ҚУРИЯДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ИНГЛИЗ МУХБИРЛАРИНИНГ ХАБАРЛАРИ

ЛОНДОН, 31 июль. (ТАСС). Рейтёр агентлигининг мухбири Қуриядан билдиради: Шимолий Қурия қўшинлари фронтнинг жанубий участкасида танкларнинг ёрдами билан Пусан (Фузан) портидан 60 миля ғарбда жойлашган Чиньчжу (Синсю)га томон силжиб бормоқдалар. Америка ва Жанубий Қурия қўшинлари қаршилик кўрсатмоқдалар.

Шимолий Қурия қўшинлари марказий участкада Кимчхонь (Кинсен)нинг ҳар икки томонида ҳужумни давом эттирмоқдалар. Бу шаҳарнинг жанубидаги Чире (Дзиобури) шаҳри бирнеча марта қўлдан-қўлга ўтди. Шимолий Қурия қўшинлари Иондон (Эйдо)нинг шарқидаги районда яна атака бошладилар.

Фронтнинг шарқий участкасида Иондок (Эйтоку) порти районида жанглар давом этмоқда.

Фронтнинг шимолий участкасида ўзгариш бўлмади.

ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚ АРМИЯСИ ЧИНЬЧЖУ ШАҲРИНИ ИШҒОЛ ҚИЛДИ

ЛОНДОН, 31 июль. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Қурия фронтидан билдиради: Бугун эрта билан Шимолий Қурия қўшинлари Чиньчжу (Синсю) шаҳрини ишғол қилдилар.

ҚУРИЯГА АМЕРИКАНИНГ ЯНГИ ҚЎШИНЛАРИ КЕЛДИ

ЛОНДОН, 31 июль. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Қуриядаги Макартур штабида бўлган мухбири билдиради: бугун америка қўшинларининг янги қисмлари Жанубий Қурияга туширилди.

Нью-Йорк радио станцияларининг эшитиришларига қараганда, бу янги малад кучлар тўғридан-тўғри Қўшма Штатларнинг ўзидан келган биринчи америка қўшинларидир. Аммо радио станциялари бу қўшинларнинг сонини ва қаерга туширилганлигини билдирмайдилар.

Демократик Германия Миллий фронти Миллий советининг мурожаати

БЕРЛИН, 31 июль. (ТАСС). Демократик Германия Миллий фронти Миллий советининг пленуми қуйидаги мурожаатни қабул қилди:

«Миллий совет 25—26 августда Берлинда демократик Германия Миллий фронтининг Миллий конгрессини чақиради.

Сўнгги Халқ конгресси вақтидан буён демократик Германия Миллий фронтининг ривожланиши муносабати билан катта ўзгаришлар юз берди. Германия Демократик Республикаси тузилди, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларга эришилди.

Тинчлик лагери мамлакатларида иқтисодий ва сиёсий тараққиёт порлоқ ҳаёт йўлидан илғари борган бир вақтда, уруш оловини ёқувчилар лагерида кризис авж олмоқда. Совет Иттифоқи уруш оқибатларини тугатди ва ҳарбқчондагига қараганда ҳам кучлироқ бўлиб қолди. Хитой халқи мамлакат ичидаги ўз золимлари ва империалистлар билан ҳукмронлигини ағдариб ташлаб, мамлакатда ҳокимиятни ва мамлакат бойликларини ўз қўлига олди...

Бутун дунёда борган сари кучайётган, узлуксиз ўсаётган тинчлик тарафдорлари фронти империализмнинг уруш сиёсатига қарши чиқмоқда.

...Америка империалистлари ҳеч нарсани писанд қилмай, бизнинг демократик қурилишимизга халақит бериш учун ҳамма воситалардан фойдаланаётган бир вақтда Совет Иттифоқи ва бошқа сулҳпарвар халқларнинг Германия демократик республикасига ишончлари ортмоқда. Умумгерман ёшлари слётида, шунингдек Германия Бирлашган социалистлар партиясининг учинчи с'ездида жуда кўп чет эл делегацияларининг қатнашганлиги буни исботлайди.

Умумгерман ёшлари слётининг муваффақиятли ўтганлиги, унинг Германиядаги саффузарлар устидан ғалаба қозонганлиги, порт ишчиларининг ҳарбий материалларни туширишдан бош тортиш тўғрисида қарор чиқарганликлари, атом бомбасини тақиқлаш тўғрисидаги Мурожаатга миллионлаб имзо тўпланганлиги, тинчликни ҳимоя қилиш юзасидан Ғарбий Берлинда кўрилган тадбирлар, ниофашистларнинг йиғилишларига қарши чиқишлар, корхоналардаги ускуналарнинг рақобат бўлиши мумкин деган мулоҳазалар билан бузиб олиб кетилишига қарши кураш, нархларнинг оширилишига қарши норозилик билдириш, қимматчилик ошганлиги ва иш ҳақи камайганлиги муносабати билан ишчиларнинг ишташлаш ҳаракати авж олганлиги Германиянинг ички тараққиётини яққол ифода қилади. Бу мисоллар миллий қаршилик кўрсатиш ҳаракати кучайганлигидан дарак беради.

Германия Демократик Республикасининг сиёсий ва иқтисодий тараққиёт соҳасида эришган катта муваффақиятлари Ғарбий Германиянинг сулҳпарвар аҳолисига Америка Қўшма Штатларининг Ғарбий Германияни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан асоратга солишига яқдил бўлиб қаршилик кўрсатишига ёрдам бермоқда. Иқтисодий доираларнинг ҳам Германия Демократик Республикасининг сиёсатига ишонч билан қараётганликлари борган сари кўпроқ сезилмоқда. Шундай қилиб, демократик Германия Миллий фронти бутун мамлакатда мустаҳкамланмоқда.

Демократик блокнинг 1950 йил 15 октябрьдаги сайловни партиялар ўртасидаги қаттиқ кураш шароитида эмас, балки эришилган умумий муваффақиятлар шиори остида, умумий сайлов программаси ва номзодларнинг умумий рўйхати бўйича ўтказишга яқдиллик билан қарор қилганлиги америкалик жаноблар нинг уруш сиёсатига қаттиқ зарба беради.

Демократик блокнинг бу тарихий қарори тинчлик ва демократия душманларига шуни кўрсатадики, барча немис ватанпарвар кучлари уруш тайёргарликларига қарши курашда ва демократик давлат қуришда ҳамда унинг тинч эҳтиёжларга хизмат қиладиган хўжалигини мустаҳкамлашда бир ёқадан бош чиқариб иш кўрмоқдалар.

25—26 августда ўтказиладиган Миллий конгресс бутун миллатни озод қилиш учун ва тинчлик учун овоз беради. Миллий конгресс умумий сайлов программасини эълон қилади, бу программа айни вақтда бутун Германияни қутқазиш программаси бўлади.

Миллий совет яхши ниятли барча немисларни қишлоқ ва шаҳарлар аҳолисининг йиғилишларида, йирик корхоналарда Миллий конгрессга ўз вакилларини сайлашга чақиради.

Тинчликни, ватанимизнинг мустақиллигини ва бирлигини азиз деб билган ҳамма кишилар бу йиғилишларда миллатимизнинг тинчлик учун, мустақиллик учун, қурилиш ишларини кучайтириш ва халқимизнинг демократик бирлиги учун олиб бораётган курашини қувватлаб овоз беришлари керак.

Эркаклар ва хотин-қизлар, немис ёшлари!

Демократик Германия Миллий фронтининг Миллий совети сизларни Америка Қўшма Штатлари вужудга келтирган уруш хавфига қарши, миллатимизни парчалашга қарши курашишга, немис халқининг ватанини қутқазиб қолиш учун курашишга чақиради.

Агар сиз миллий мустақилликни, тинчликни, бирлашган демократик Германияни барпо қилишни истасангиз, демократик Германия Миллий фронтининг Миллий конгрессига энг яхши вакилларингизни сайлангиз.

Шу билан сиз миллатнинг ҳаёти ва халқимизнинг осойишталиги ҳақида қарор чиқарган бўласиз».

БЕЛЬГИЯДА АҲВОЛ

ПАРИЖ, 31 июль. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги Брюссельдан олиб билдиради: 30 июльда социалистлар партиясининг раҳбарлари бош министр Дювьезар, король кабинетининг бошлиғи виконт Берие ва адлия министри Картон де Виар билан кенгаш ўтказдилар.

Шу кенгашдан кейин Дювьезар Лакендани король саройига борди. Бу ерда Леопольд уни қабул қилди. Кечаси министрлар советининг мажлиси бўлди.

ПАРИЖ, 31 июль. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги иш ташлаган ишчилардан қонли ўқ олинаётганлиги тўғрисида хабар бериб, Льеж полициясининг докладига таяниб, 30 июльда Грас Берларда 3 ишчи ўлдирилганлигини таъкидлайди.

Бу аҳвол жандармерия митинг қатнашчиларига ҳужум қилган вақтда юз берган. Намойиш вақтида жандармерия взвод командири «тўппанчасини олиб бир кишини отиб ўлдирган. Одамлар ўқ узабошлаган жандармлар устига ташланганлар. Натижада митинг қатнашчиларидан яна икки киши ўлдирилган ва икки киши яралар қилинган».

ИНГЛИЗ-СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ЖАМИЯТИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

ЛОНДОН, 31 июль. (ТАСС). Инглиз-совет дўстлиги жамиятининг ижроия комитети резолюция қабул қилди. Резолюцияда Англиянинг осойишталиги ва фаровонлигини Совет Иттифоқи билан дўстона муносабатларни кучайтириш ва ҳар иккала мамлакат учун фойдали савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш йўли бланғинга та'минлаш мумкин деб уқдириб ўтилади. Резолюцияда, умум палатасида яқинда мудофаа масалалари юзасидан бўлган музокаралар атом қуролини кўпайтириш ва Совет Иттифоқига қарши уруш тайёрлаш шиори остида ўтди деб кўрсатилади.

«Аммо, — дейилади сўнгра резолюцияда, — Совет Иттифоқига назар ташлаганимизда, совет раҳбари, парламент аъзоси, генерали ёки мас'ул журналисти бундай урушқоқлик руҳида нутқ сўзлаганини ёки мақола ёзгани йўқ. Аксинча, Олий Советнинг яқинда бўлиб ўтган сессияси атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Жаҳон Мурожаатини қувватлади ва бу мақсадга эришиш учун бошқа парламентлар билан биргаликда ҳаракат қилишга тайёр эканлигини билдирди ҳамда Совет Қуролли Кучлари 1947 йилдан буён атом қуролига эга эканликларини билгани ҳолда, атом қуролини тақиқлашни ёқлади. Совет Иттифоқида инглиз парламент аъзоси Вудро Уайатт айтган сўзларни айтадиган бирон киши ҳам йўқ. Уайатт, «атом бомбасини тақиқлаш тўғрисидаги гапларни тўхтатиш пайти келди» деган эди. Совет Иттифоқида 100 миллиондан ортиқ киши атом бомбасини тақиқлаш тўғрисидаги Мурожаатга қўл қўйди.

Ҳозирги аҳвол жуда жиддий бўлса ҳам, Совет Иттифоқи билан келишув учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотида жиддий ишланганда, ҳали ҳам бугун дунёда тинчликни та'минлаш мумкин. Неру билан Сталиннинг бир-бирларига совға мактублари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аппаратидан Қуриядаги уруш ҳаракатларини кучайтириш учун эмас, балки бу уруш ҳаракатларини тўхтатиш учун бемалол фойдаланиш мумкин эканлигини кўрсатди».

НЕМИС ВА ЧЕХОСЛОВАК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ДЎСТЛИГИНИ ИЗҲОР ҚИЛУВЧИ НАМОЙИШ

ПРАГА, 31 июль. (ТАСС). Кеча Плауэн шаҳрида (Германия демократик республикаси) немис ва чехословак меҳнаткашларининг тинчлик ва дўстликка бағишланган катта намойиши бўлди. Намойишда 30 минг киши қатнашди. Плауэнга Ғарбий Германия меҳнаткашларининг делегацияси ҳам келди. Намойишда Чехословакиядан Карлови Вари областидаги корхоналарнинг энг яхши касаба союз ходимларидан 460 киши қатнашди.

Шаҳар Германия демократик республикаси ва Чехословакия байроқлари билан, немис ва чех тилларида ёзилган ҳамда бутун дунёда тинчлик учун курашга чақирган шиорлар билан безатилган эди.

Митингда бирлашган озод немис касаба союзларининг раиси Герберт Варнке нутқ сўзлади.

Бизни ва Чехословакияли дўстларимизни,—деди у,—буюк бир мақсад бирлаштиради, у ҳам бўлса—биз тинчликни ва халқларимиз ўртасида дўстлик бўлишини истаймиз.

Чехословакияли қадрдон дўстларимиз,—деди ўз сўзини давом эттириб Варнке,—биз мамлакатимизда ҳокимиятнинг бизларни икки урушга дучор қилган кишилар қўлига яна ўтишига йўл қўймаймиз! Халқларимиз ўртасида ҳеч қачон уруш бўлмаслиги керак!

Ғарбий Германия меҳнаткашларининг вакили, Плауэн шаҳридаги тинчлик намойиши Ғарбий Германия меҳнаткашларига Германиянинг бирлиги учун курашда янги куч бағишлайди, деди.

Америка Қўшма Штатлари янги авантюра тайёрламоқда

НЬЮ-ЙОРК, 31 июль. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг Токио мухбири билдиради: бугун генерал Макартур Трумэннинг Формозани «мудофаа қилиш» тўғрисидаги кўрсатмаларини амалга ошириш учун Тайван (Формоза)га келди.

ЛОНДОН, 31 июль. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Тайбэйдан билдиради: бу ердаги ажнабий обзорчилар генерал Макартурнинг Чан Кай-ши билан музокара олиб бориш учун Формозага келганлигини шарҳлаб, «Макартур Чан Кай-ши қўшинларидан Қурияда фойдаланиш масаласини муҳокама қилса керак» демоқдалар.

Румония Халқ Республикасининг Ташқи Савдо Министри А. Бирлэдяну Москвага келди

Москвада Румония халқ хўжалиги виставкаси очилиши муносабати билан Румония Халқ Республикасининг Ташқи Савдо Министри А. Бирлэдяну Москвага келди. А. Бирлэдяну СССР Ташқи Савдо Министрининг Ўринбосари М. Г. Лошаков, Бутун Иттифоқ Савдо Палатаси Президиумининг Раиси М. В. Нестеров ва СССР Ташқи Савдо Министрлиги Протокол Бўлимининг Бошлиғи вазифасини бажарувчи Н. М. Труфанов кутиб олдилар.

Япония компартияси атом қуролини тақиқлашни талаб этмоқда

ШАНХАЙ, 31 июль. (ТАСС). «Дзидзи симпо» газетаси хабар беради: коммунист депутатлар Япония парламентининг қуйи палатаси муҳокамасига атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги резолюция лойиҳасини киргиздилар.

Дания меҳнаткашлари Қуриядаги америка агрессиясига қарши норозилик билдирмоқдалар

КОПЕНГАГЕН, 31 июль. (ТАСС). «Ланд ог фольк» газетасининг редакцияси меҳнаткашларнинг йиғилишларидан Қуриядаги америка агрессиясига қарши норозилик билдирган жуда кўп қарорлар олмоқда.

Ер қазиш ва бетон ётқизиш ишларида, шунингдек изоляция ишларида ишлаётган ишчилар касаба союзларининг йиллик йиғилишларида қабул қилинган резолюциялар бугун эълон қилинди. Бу йиғилишларнинг қатнашчилари порт ишчилари касаба союзининг союз а'золарига «Ява» пароходидаги америка ўқ-дориларини туширишни тақиқлаш тўғрисида чиқарган қарорини маъқуллади лар.

Илгарги қаршилик кўрсатиш ҳаракатида қатнашган бирқанча группаларнинг вакиллари ва бошқа ташкилотлар ҳам шундай резолюциялар қабул қилдилар.

Англия-Американинг Яқин Шарқдаги ҳарбий планлари

БАЙРУТ, 31 июль. (ТАСС). Ливанда чиқадиган «Жур» ва «Телеграф» газеталарининг билдиришига қараганда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фаластиндан қочган арабларга ёрдам беручи комиссияси раиси генерал Кенеди 3 давлатнинг, я'ни Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Франциянинг кўрсатмаларига мувофиқ Сурия ҳукуматига уруш вақтида иттифоқчилар фойдаланиладиган стратегик темир йўл ва тош йўллар қуриш лойиҳасини тақдим этган. Бу йўллар Ўрта денгизнинг шарқий қирғоғидан бошланиб, Сурия территориясидан Бағдод, Теҳрон, Истамбул ва Қоҳирага ўтади. Фаластиндан кочган нишилар йўл қурилишида ишлайдилар.

Айни замонда, — деб ёзади «Телеграф» газетаси, — Америка Қўшма Штатлари ва Англия Сурия ҳукуматига нота юбориб, Сурия орқали Ироқ, Эрон, Туркияга Совет Иттифоқи чегараларигача стратегик йўллар қуришни талаб этдилар.

НОРВЕГИЯДА АМЕРИКА ҲАРБИЙ БАЗАЛАРИ

ОСЛО, 31 июль. (ТАСС). Газеталарнинг билдиришига қараганда, яқинда Американинг 18 реактив аэропландан иборат ҳарбий-ҳаво флоти эскадрильяси «Скаймастер» ва «Фэрчайлд» деган америка аэропланлари билан бирга Норвегиянинг Сула аэродромига келган. Америкадан Норвегияга махсус келган кишилар аэродромда эскадрильяга хизмат кўрсатмоқдалар. Матбуотнинг билдиришича, америка ҳарбий аэропланлари Норвегиядаги бошқа бирқанча аэродромларга ҳам борадилар.

Американинг Норвегияга келган адмирали Браун ва Америка Қўшма Штатларининг Европадаги ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондони Кэннон ҳам шу кунларда Сула аэродромига келиб кетганлар.

Газеталарнинг билдиришича, Американинг Ғарбий Европада бўлган қуруқликдаги кучларининг қўмондони Хенди Ослода бўлиб, бундан бирнеча кун аввал Норвегия қуролли кучларининг юқори мансабдаги вакиллари билан бирнеча марта махфий кенгаш ўтказган. Бу ерда америкали ҳарбийларнинг Норвегиядаги актив ҳаракатлари Норвегия ҳукуматининг ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз базаларини америка қўшинлари ихтиёрига топшириши билан боғлиқ деб очиқ айтмоқдалар.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Пушкин номли парк) — 2 августда **Тоҳир ва Зуҳра.**

«РОДИНА» — **Баҳор.**

«ВАТАН» — **Мени кутгил.**

«НАВОИЙ» (қишки) — **кундуз ва кечқурун Кулар ва тунлар.**

«НАВОИЙ» (ёзги) — **Ўт.**

«9-НЧИ МАЙ» — **Анна Сабо.**

«ИСКРА» (қишки) — **3-нчи вилда** рангдор фильм **Биринчи май,** бошқа залларда **Ажойиб табиатли қиз.**

«ИСКРА» (ёзги) — рангдор фильм **Қадимги водевиль.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» —**кундуз Оқ тиш, кечқурун Сахродаги қўзғолон.**

«ХЕВА» — **Бизнинг юрагимиз.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — **Райком секретари.**

«УДАРНИК» — 1) **Айиқ,** 2) **Ниқоб.**

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА
Яқин кунда ПРЕМЬЕРА
Ҳожибеков музикаси
КЎР ЎҒЛИ
5 пардали опера
саҳнага қўйилади.

ПОЙТАХТИМИЗДА



Ўрта Осиё Давлат университетининг қабул комиссиясига ҳар куни жуда кўп ариза тушмоқда. **Суратда:** университет ўқитучиси ўртоқ М. Аминов (ўнгда) ўрта мактабни тамомлаган Ф. Фатҳиддинов, А. Фозилова, М. Юсупова ва Т. Акбаров ўртоқларнинг аризаларини кўздан кечирмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

Ўқучилар учун дарслик ва дафтарлар

Ўқучиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида 1 августдан бошлаб ҳамма мактаб кутубхоналарида ва мактаблар ҳузуридаги киоскаларда дарсликлар сотилабошлайди. Шу мақсадда «Ўзкитоб» киоска ва мактаб кутубхоналарига 300 номли бирнеча минг турли дарслик етказиб берди.

Шу билан бирга, мактаблар ҳузуридаги киоска ва кутубхоналарда ўқучиларга дафтар ва бошқа хил ўқув қуроллари ҳам сотилади. Бунинг учун «Ўзкитоб» 500 мингдан ортиқ дафтар, 300 минг қалам, 500 минг перо ва ручка, 100 минг резинка ва бошқа шу каби ўқув қуролларини етказиб берди.

Якка уй қуручилар учун ер участкалари

Ҳозирги Охунбобоев маҳалласига ва унинг атрофидаги маҳаллаларга илгари борган киши энди бутун кўчалар, кўримсиз омонат биноларга дуч келар эди. Кейинги йилларда маҳалланинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Маҳаллага ҳозир йўли тушган киши кўркам биноларни ва тўғри, текис кўчаларни кўради. Маҳаллада ҳаёт бутунлай қайтадан қурилмоқда. Бу ерда социалистик шаҳарча барпо этилаётир. Маҳалла аҳолиси ўз шаҳарчасини янада обод қилиш учун ҳаракат қилмоқда. Ҳозир 60 дан ортиқ янгидан қурилган уйга меҳнаткашлар кўчиб кирганлар.

Октябрь район ижроия комитети Ўзгариш, Пичоқчилик маҳаллаларида ҳам планли янги уйлар қуришни бошлаб юборди. Икки маҳаллада 161 та янги тураржой қурилади. Шу йилнинг охиригача 58 уй қурилиб тамомланиши керак. Район ижроия комитети қурилиш ишларини тезлатиш учун механизаторларга автомашина ва бошқа нарсалар билан амалий ёрдам уюштирмоқда.

Москва районининг Лабзак ва Полиграф кўчалари атрофида ҳам янгидан 150 та планли уй қурилади.

Рационализаторлик таклифларининг самараси

Тошкентдаги 2-нчи авторемонт заводида бу йил 10 тадан ортиқ рационализаторлик таклифи амалга оширилди. Бу эса, ишни ихчамлаштириб, маҳсулотнинг таннархини арзонлаштиришга ва иш унумини оширишга катта ёрдам берди. Натижада, завод коллективи июль ойида пландан ташқари 8 та автомашинани ремонтдан чиқарди. Заводнинг 80 дан ортиқ стахановчи ишчиси бешйиллик ишлабчиқариш планини муддатдан илгари бажарди.

Ўртоқ Миронов бошлиқ йигув цехининг коллективи иш нормасини 10—12 процент ошириб бажариб, мусобақада олдинда боратёр. Улуг Ватан урушида ишторкчиси ўртоқ Черненко тинчлик вахтасида туриб, автомобилларнинг эрқа қисми (задний мости)ни жадал суратлар билан йигмоқда ва кунлик иш нормасини 2—3 соат олдин бажармоқда.

Заводнинг ишчилари, инженер ва техник ходимлари технология жараёнларини такомиллаштириш йўлида бирдамлик билан ишлаб, йил охиригача пландан ташқари яна ўнларча машинани ремонтдан чиқариш мажбуриятини олдилар.

Уй бошқаруччиларининг социалистик мажбуриятлари

Яқинда Тошкент шаҳар ижроия комитетида уй бошқаруччилари, уй-жой комендантлари ва бошқа коммунал хўжалик ходимларининг умумшаҳар йиғилиши бўлди.

Йиғилишда Москва шаҳар Советининг депутати, Шербаков район уйлар бошқаруччиси Ўртоқ Лозневанинг мурожаати муҳокама қилинди. Ўртоқ Лознева Москва ва Ленинград стахановчиларидан намуна олиб, ўз бошқармаси қарамоғидаги уйларни яхши сақлаш юзасидан социалистик мажбурият олган.

Тошкент шаҳар уй бошқаруччилари москвали Ўртоқ Лозневанинг бу ватанпарварлик ташаббусини қизғин қувватладилар. Марказий райондаги 320 — 321-нчи уй бошқармасининг бошқаруччиси Ўртоқ Кулаков 9 уйни яхши сақлаш юзасидан социалистик мажбурият олди. Шунингдек, Москва районидан Обидов, Ленин районидан Чариков, Сталин районидан Муҳаммедов ва бошқа уй бошқаруччилари ҳам ўз қарамоқларидаги уйларни яхши сақлаш юзасидан социалистик мажбуриятлар олдилар.

Уй бошқаруччилари ўз социалистик мажбуриятларида уйларни жорий ремонтдан чиқариш, ҳовлиларни, яқин атрофдаги кўчаларни озода сақлаш вазифасини олдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Самарқанд, Фарғона ва Ўрда шаҳарларининг уй-жой коммунал хўжалик ташкилотлари ходимларини социалистик мусобақага чақирдилар.

Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети шаҳар уй-жой ташкилотлари ва уй-жой бошқармалари ходимларининг бу ташаббусини маъқуллаб, район ижроия комитетларига ва район уй-жой бошқармаларига мавжуд уй-жойларни яхши сақлаш юзасидан бошланган бу ватанпарварлик ҳаракатини ҳартарафлама қўллаб-қувватлаш вазифасини юклади.

Яхши ташаббус

Тошкент шаҳар Фрунзе район ижроия комитети И. В. Сталин номидаги тўқимачилик комбинати қошида ишчиларнинг шикоят ва аризаларини кўриш учун махсус қабулхона ташкил этди.

Район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Титов ҳар куни кечқурун бу ерга шикоят ва талаб билан келган ишчиларни қабул қилади ҳамда уларнинг талабларини қондириш юзасидан чоралар кўради.

Муқимий номли театр учун ёзлик бино

Шу чоққача Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театрининг ёзлик биноси йўқ эди. Бу, театр иши учун анча қийинчилик туғдириб келди.

Москва район ижроия комитетининг ва район аҳолисининг ташаббуси билан область ижроия комитети биносининг очиқ майдонида 760 ўринлик ёзлик театр биноси қурилабошлади. Ёзлик бинонинг қурилиш ишлари тугалланаётир. Театр атрофига манзарали ва соя-ли дарахтлар ўтқазилиб, обод қилинмоқда. Бино яқинда битказилиб, эксплоатацияга топширилади.

Мас'ул муҳаррир
Ҳ. ҒУЛОМОВ.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

1950 йил 20 июль № 658 Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Совети Ижроия комитетининг «ИТЛАРНИ АСРАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА» деб чиқарган 1950 йил 31 январьдаги 9-нчи сон мажбурий фармойишини такомиллаш тўғрисида

Тошкент шаҳар Совети Ижроия комитетининг «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталарида 1950 йил 31 январьда э'лон қилинган 9-нчи сон мажбурий фармойишига қўшимча қилиб, Тошкент шаҳар Советининг Ижроия комитети **қарор қилади:**

Матбуотда 1950 йил 31 январьда э'лон қилинган 9-нчи сон мажбурий фармойиш қуйидаги моддалар билан такомиллансин:

1. Ҳайвонларнинг юқумли касалликлари жиҳатидан хавфли бўлган ҳовлилардаги ит ва мушуклар ветеринария врачи ёки тегишли район ветеринария шифохонаси мудирининг таклифи билан эгалари қўлидан олиниши лозим.

2. Граждалар ит асраш қоидаларини бузган тақдирда, айбдорларга мажбурий фармойишнинг 7-нчи моддасида кўрсатилган жазолар солинади, ит эса эгаси қўлидан олинади ва йўқотиб ташланади.

3. Итларни бозор, парк, сквер ва бошқа жамоат жойларига олиб чиқиш тақиқланади.

Бозор, парк ва скверларда кўрилган итлар (бўйнига занжир ёки озгина тўр тутилган ҳолда олиб чиқилган бўлишидан қат'и назар) эгасининг қўлидан олинади ва йўқотиб ташланади.

4. Управдомлар, бино комендантлари, квартал ва маҳалла комитетлари ит асраш қоидаларини бузган кишилар тўғрисида дарҳол милиция органлари ва район ижроия комитетларига ма'лум қилишлари лозим.

5. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1950 йил 31 январь сонида э'лон қилинган Тошкент шаҳар ижроия комитетининг 9-нчи сон мажбурий фармойиши ҳамда ушбу қўшимчасининг бажарилишини контроль қилиш милиция органлари ва район ижроия комитетларига юкланади.

Тошкент шаҳар Совети Ижроия комитети раисининг ўринбосари
Х. КОМИЛОВ.
Тошкент шаҳар Совети Ижроия комитетининг секретари
А. АБДУЛЛАЕВА.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси № 8 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими—31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими—32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.

Р. 01485. «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1124.